БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 167
1 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Бугун Хитой Халқ Республикаси э'лон қилинганига беш йил тўлди.

Яшасин ва мустаҳкамлансин Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқларининг абадий дўстлиги!

Улуғ хитой халқининг байрами

Бугун улуғ хитой халқи бутун прогрессив инсоният блан биргаликда Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганлигининг беш йиллигини байрам қилмоқда. Хитой халқи тарихида шонли саҳифа очган бу кун хитой халқи учун, барча тинчликсевар халқлар учун энг азиз ва энг қимматлидир. Чунки Хитой Халқ Республикасининг вужудга келиши тинчлик, демократия ва социализм кучларининг қудратини янада оширди, олтиюз миллионли буюк халқни тинчлик лагерининг актив курашчисига айлантирди. Хитой Халқ Республикасининг ташкил топиши Узоқ Шарқда ва Осиёда, умуман бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ва катта ҳиссадир.

Хитой халқи ўзининг шонли юбилейини мамлакатда социализм қуриш вазифаларини амалга оширишда катта муваффақиятлар блан кутиб олмоқда. Халқ ҳокимияти барпо этилгандан бери республиканинг саноати, қишлоқ хўжалиги бенихоя тез сур'атлар блан юксалди, маданияти янада ривожланди. 1953 йилда саноат маҳсулоти 1952 йилга нисбатан 33 процент ошди. 1954 йил охирининг саноат маҳсулоти 1949 йилдаги даражадан 4,2 марта ошади. Қисқа муддат ичида бундай тез сур'атлар блан ривожланиш Хитой тарихида бўлмаган эди. 1954 йилда исте'мол учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1949 йилга нисбатан тахминан 3,1 марта ошади, ишлабчиқариш қуроллари ишлаб чиқариш эса 5,7 марта ошади.

Хитой Халқ ҳукумати томонидан ўтказилган ер реформаси деҳқонлар оммасининг моддий аҳволини бутунлай ўзгартириб юборди, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириши та'минлади. Мамлакатда пахта етиштириш анча ошди. Бу йил Хитойда ғалла экинларининг умумий маҳсулоти 1949 йилга нисбатан 1,5 марта, пахта 2,8 марта ошириллиши кўзда тутилади.

Марказий Халқ ҳукумати ва Коммунистик партия хитой халқи маданиятини ошириш учун тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Республикада соғлиқни сақлаш, маориф ишлари тобора ривожланмоқда, олий ўқув юртларида ўқучи студентларнинг сони тобора кўпаймоқда, илмий кадрлар армияси етишиб чиқмоқда. Ҳукумат ва партия хитой халқининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш тадбирларини кўрмоқда, ишчилар, деҳқонлар ва барча меҳнаткашларнинг турмуш даражаси систематик равишда яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда хитой халқи олдида жуда катта тарихий вазифалар турипти. Бу вазифалар мамлакатни аста-секин социалистик негизда индустриялаштириш, қишлоқ хўжалигини, кустарь саноатини ҳамда хўжаликнинг барча тармоқларини социалистик негизда қайта қуришни аста-секин тугаллашдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш хитой халқининг социализмга ўтиш даври вазифаларини ҳал этишини та'мин этади.

Яқинда халқ вакилларининг Умумхитой мажлиси Хитой Халқ Республикасининг янги Конституциясини қабул қилди. Бу улуғ хитой халқи тарихида жуда катта воқиадир. Бу Конституцияда хитой халқининг халқ ҳукумати барпо этилгандан бери ўтган қисқа вақт ичида қўлга киритган барча муваффақиятлари қонуний қилиб мустаҳкамланган. Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси Хитойда барпо этилган халқ демократияси диктатурасининг характерини ўзида ифодалайди, Хитойда барпо этилган халқ ҳокимиятининг буюк демократик хусусиятларини акс эттиради. Бу Конституция барча меҳнаткашларнинг умид ва орзуларини, истакларини, буюк ҳуқуқлари, муқаддас бурчларини ифода этади.

Хитой халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатда янги халқ демократияси барпо этиш йўлида эришган барча муваффақиятлари, халқ хўжалиги ва маданият соҳасидаги ютуқлари ўз тақдирини ўз қўлига олган халқ жамиятни қайта қуришга, янгича ҳаёт қуришга қодир эканлигини кўрсатади. Бу яна шуни кўрсатадики, марксизм-ленинизмнинг буюк революцион назарияси ўзининг ҳаётий кучини кўрсатмоқда. СССРда амалга оширилган янги социалистик тузум, порлоқ ва бахтли ҳаёт миллион-миллионларнинг орзу ва умидларидан ҳақиқатга айланмоқда. Энди Корея ва Хитойдан тортиб Чехословакия ва Венгриягача кенг территорияни ўз ичига олган мамлакатлар халқлари янги ҳаёт қурдилар, социализмнинг ёруғ йўлларидан олға бормоқдалар. Хитой Халқ Республикасининг барпо этилиши марксизм-ленинизм ўлмас идеяларининг янги, буюк ғалабасидан далолат беради, Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган иш янгиданянги юз миллионлаб кишилар учун энг зарур ва жонажон иш бўлиб қолганлигини кўрсатади. Янги турмуш қуриш байроғи эндиликда тўққизюз миллион кишини бирлаштиручи қудратли, ягона ва бузилмас социалистик лагерь устида ғолибона ҳилпираб турипти.

Хитой халқининг асрлар бўйи қилиб келган орзуси рўёбга чиқди. Бу орзу фақат халқ революцияси туфайли, ишчилар синфи ва қамбағал деҳқонларнинг революцион ғайрати ва ташаббуси туфайли амалга ошди.

Хитой Халқ Республикаси — қудратли, мустақил, суверен халқ демократияси давлатидир. У халқаро миқ'ёсда муҳим ўринни эгаллайди ва буюк давлатлар қаторига киради.

Аммо Америка Қўшма Штатлари ва унинг изидан бораётган империалистик давлатлар Хитой Халқ Республикасининг мустақиллигини, суверенитетини танимасликка, уни давлатлар қаторига қўшмасликка уринмоқдалар, Бундай бўлиши бежиз эмас, албатта. Бир вақтлар Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси натижасида Совет ҳокимияти барпо этилгандан сўнг ҳам империалистик давлатлар Совет Иттифоқини давлат сифатида танимаган эдилар. Совет Иттифоқининг тез сур'атлар блан юксалиб кетиши унинг халқаро миқ'ёсда катта куч бўлиб қолишига, халқаро масалаларни, унинг иштирокисиз ҳал этиб бўлмасликка сабаб бўлди. Шармандаси чиққан, тарих фактлари олдида ожиз бўлиб қолган империалистик давлатлар оқибат натижада Совет Иттифоқини танишга мажбур бўлган эдилар. Улар Хитой Халқ Республикасига нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўлмоқдалар. Америка Қўшма Штатлари ва бошқа капиталистик давлатлар Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўз қонуний ўрнини олишига, халқаро проблемаларни ҳал этишда унинг иштирок этишига қаршилик кўрсатмоқдалар. Аммо тарих фактларидан кўз юмиб бўладими? Олтиюз миллионли буюк хитой халқининг мустақил халқ демократик давлати барпо этилганлиги факт-ку, ахир! Кўпмиллионли хитой халқи ўзининг суверен ҳуқуқини ҳимоя қилади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ўрнини Хитой Халқ-Республикасининг ҳақиқий вакилига берилишини талаб қилади. Бутун дун'ёдаги прогрессив кучларнинг истаги ҳам, талаби ҳам шу! Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Совет Иттифоқининг Хитойга бераётган иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ёрдами халқ Хитойи экономикасининг тўхтовсиз юксалишини, мамлакатда халқ демократияси режимини янада мустаҳкамлашни та'минламоқда, социалистик қурилиш вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам бермоқда. Хитой Халқ Республикаси блан СССР ўртасидаги ҳар икки томон учун фойдали бўлган иқтисодий ва маданий мунособатлар бу икки давлатнинг умумий юксалишига ёрдам бермоқда.

Совет халқи қардош хитой халқининг шонли байрамини дўстона, чин юракдан, самимий табриклайди. Икки улуғ халқ — хитой халқи блан совет халқи ўртасидаги дўстликнинг бундан кейин ҳам янада ўсиши тинчлик, демократия ва социализм кучларини янада мустаҳкамлашнинг гаровидир. Совет халқи улуғ хитой халқи блан абадий дўстлик алоқаларини боғлади, бу дўстликни муқаддас қилиб сақлайди.

Хитой халқининг бу улуғ байрами — тинчлик ва дўстлик байрамидир. Бу байрамга Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатлари ва бошқа четэл давлатларининг вакиллари иштирок қилмоқда, улар улуғ хитой халқига дўстлик ва қардошлик саломларини топширмоқдалар, унга янги муваффақиятлар тиламоқдалар.

Озодлик, бахтли ва фаровон ҳаёт — социализмнинг ёруғ нурлари меҳнаткаш, тинчликсевар хитой халқига ўзининг ҳаётбахш нурларини сочмоқда. Янги, социал тузум бўлган халқ демократиясидан баҳраманд халқ хитойи ўз муваффақиятларини шодиёна байрам қилмоқда.

Хитой халқининг қувончи чексиз. Шунча кураш ва машаққатларни кўриб, қўлга киритган ғалабаларни якунлаш, байрам қилиш нақадар қувончли! Хитой халқининг машаққатлари ва тўккан қонлари бекорга кетмасдан, самарали натижалар берганлиги ҳаммамизни шод ва хурсанд қилади.

Совет халқи улуғ хитой халқига шу тантанали кунларда самимий дўстлик саломини юборади!

Янги ҳаёт ва янги турмуш барпо этаётган қаҳрамон хитой халқига салом!

Хитой Халқ Республикасининг Раиси ўртоқ МАО ЦЗЭ-ДУНГА

Пекин шаҳри,

Ўртоқ Раис, Сизнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси қилиб сайланганлигингиз муносабати блан бутун совет халқи номидан ва шахсан менинг номимдан самимий табрикларимизни қабул қилғайсиз. Сизга ва бутун хитой халқига улуғ халқ-демократик Хитой давлати қуриш ишида янада муваффақиятлар тилайман.

К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси Пекинга келди

ПЕКИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси э'лон қилинган кунининг беш йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси бугун Пекинга келди. Делегация составида: КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси ўртоқ Н. С. Хрушчев (делегация раҳбари), СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ А. И. Микоян, ВЦСПС Раиси ўртоқ Н. М. Шверник, СССР Маданият министри ўртоқ Г. Ф. Александров, «Правда» газетасининг бош редактори ўртоқ Д. Т. Шепилов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Фурцева, Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министри ўртоқ Е. С. Насриддинова, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ В. П. Степановлар бор. СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси, ҳозирги вақтда Пекинда бўлган ўртоқ П. Ф. Юдин ҳам делегация составига киради.

ХХР, СССР ва халқ демократияси мамлакатларининг давлат байроқлари блан безатилган Пекин аэродромида Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясини Хитой Коммунистик партияси МК секретари ва Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси (ХВУМ) Доимий комитетининг Раиси Лю Шао-ци, ХКП МК секретари ва ХХР Давлат кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай, ХКП МК секретари ва ХХР Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Чэнь Юнь, Хитой Компартияси МК Сиёсий бюросининг а'зоси Линь Бо-цзюй, ХКП МК Сиёсий бюросининг а'зоси ва ХХР Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосари Пин Дэ-хуэй, ХХР Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосарлари Дэн Цзи-хуэй, Хэ Лун, Чэнь И, Уланьфу, Ли Фу-чунь, Ли Сянь-нянь, ХХР Давлат кенгаши секретариатининг бошлиғи Си Чжун-сюнь, министрлар Шэнь Янь-бин, Е Цзи-чжуан, Чжан Най-ци, Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий комитети Раисининг ўринбосарлари Го Мо-жо, Сун Цин-лин, далай-лама, ХВУМ Доимий комитетининг а'зоси панчен-лама, Олий халқ судининг раиси Дун Би-у, Олий халқ прокуратурасининг бош прокурори Чжан Лин-чэн, Хитой-совет дўстлиги жамияти раисининг ўринбосари У Юй-чжан, Тинчликни ҳимоя қилучи Хитой халқ комитети раисининг ўринбосари Чэнь Шу-тун, Касаба союзлари Умумхитой федерациясининг раиси Лай Жо-юй, ХКП МК Сиёсий бюросининг а'зоси, ХКП Пекин шаҳар комитетининг секретари ва Пекин шаҳарининг бошлиғи Пин Чжэнь, шунингдек Хитой жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Совет Ҳукумат делегациясини СССР нинг ХХРдаги элчиси ўртоқ П. Ф. Юдин ҳам кутиб олди.

Аэродромда Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясини Польша Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси ва Албания Халқ Республикасининг Пекинга келган ҳукумат делегациялари ҳам кутиб олдилар.

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясини кутиб олиш вақтида аэродромда Пекиндаги совет элчихонасининг ходимлари, ХХР пойтахтидаги элчихона ва миссияларнинг бошлиқлари ва а'золари ҳам ҳозир бўлдилар.

Кутиб олиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди ва СССР ҳамда ХХР давлат гимнлари ижро этилди.

Совет Ҳукумат делегациясининг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев аэродромда қуйидаги нутқни сўзлади:

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Қадрли дўстлар!

Совет Ҳукумат делегацияси Хитой Халқ Республикасининг беш йиллиги байрам қилинаётган шонли кунларда улуғ мамлакатингизнинг қадимги пойтахти — Пекинга келиб, қардош хитой халқига Совет Иттифоқи халқларидан самимий салом топширади.

Мамлакатимиз халқлари ўртасида қардошларча иттифоқ ва бузилмас дўстлик, янги ҳаёт қуришда, тинчлик иши учун курашда самарали ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ўрнатилди ва кундан-кунга мустаҳкамланмоқда.

Совет кишилари сизнинг ижодий ишингизга зўр қизиқиш блан қарамоқдалар ҳамда Хитой меҳнаткашларининг шонли Коммунистик партия ва Халқ ҳукумати раҳбарлиги остида эришган катта муваффақиятларини зўр ифтихор ҳислари блан табриклайдилар. Халқ революциясининг бу тарихий ғалабалари халқ вакиллари Умумхитой мажлиси томонидан яқинда қабул қилинган ва Хитойда социалистик жамият қуриш принципларини тантанали суратда э'лон қилган Хитой Халқ Республикаси Конституциясида мустаҳкамлангандир. Биз хитой халқини Конституциянинг қабул қилиниши блан ҳамда хитой халқининг улуғ фарзанди ва йўлбошчиси ўртоқ Мао Цзэ-дунинг Хитой Халқ Республикасининг Раиси қилиб сайланганлиги блан қизғин табриклаймиз.

Хитойда халқ революциясининг ғалаба қилиши, тинч қурилиш соҳасида эришилган катта ютуқлар ўз тақдирини ўз қўлига олган ҳамда мамлакатда улуғ ўзгаришларни амалга оширишга ва ўз олдига қўйган мақсадига эришишга қат'ий бел боғлаган олти юз миллионли хитой халқининг ҳақиқатан ҳам ғоят зўр кучларини очиб берди.

Барча мамлакатлардаги тинчликсевар халқлар икки улуғ давлат — Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасининг бузилмас дўстлигини тинчликнинг қудратли таянчи деб, барча халқаро проблемаларни бутун инсоният манфаатларида, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларида ҳал қилишга тобора кўпроқ та'сир кўрсатаётган улуғ ва енгилмас куч деб биладилар.

Яшасин Хитой Халқ Республикаси!

Яшасин улуғ хитой халқи ва унинг шонли Коммунистик партияси!

Яшасин ва мустаҳкамлансин Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқларининг абадий дўстлиги!

СССР Фанлар академиясининг Хитой Халқ Республикаси беш йиллигига бағишланган сессияси

28 сентябрьда Москвадаги Олимлар уйида академик А. Н. Несмеяновнинг раислигида СССР Фанлар академиясининг Хитой Халқ Республикаси беш йиллигига бағишланган сессиясининг сўнгги мажлиси бўлди.

Мажлисда совет олимларининг докладлари тингланди. Бу докладларда хитой халқининг кейинги беш йил ичида эришган иқтисодий, сиёсий ва маданий ютуқлари характерлаб берилди.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси П. Е. Орловский «Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси» деган темада доклад қилди.

Иқтисодий фанлар доктори В. Я. Аварин «Хитой Халқ Республикаси социализм йўлида» деган темада доклад қилди.

СССР Фанлар академияси сессиясининг қатнашчилари Хитой Халқ Республикасининг Фанлар академиясига табрикнома қабул қилдилар. Улар табрикномада олимларни тарихий кун блан қизғин табриклайдилар ва уларга ўз Ватанларини ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш ишида янада муваффақиятлар тилайдилар. (ТАСС).

Хитой Халқ Республикасининг беш йиллигига бағишланган кеча

28 сентябрьда Москвада Хитой Халқ Республикаси э'лон қилинган кунининг беш йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечага бир мингдан кўпроқ кишилар — саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ўқучилар тўпландилар.

Ҳозир бўлганлар орасида Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Муваққат ишлар вакили Вэнь Нин бор эди.

Академик И. И. Артоболевский қисқача кириш нутқи сўзлаб кечани очди. У Хитой Халқ Республикасининг шарафига, Совет Иттифоқи ва Хитой халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги шарафига табрик сўзлари айтди.

РСФСР Маориф министрининг ўринбосари Л. В. Дубровина, ёзучи В. М. Кожевников, СССР халқ артистлари Б. П. Чирков ва С. В. Образцов, «XII Октябрь» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. А. Малинина Хитойда бўлган вақтларида олган таассуротларини айтиб бердилар.

Кечанинг охирида концерт берилди. (ТАСС).

Тарихий кун арафасида

ПЕКИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Хитой халқи Хитой Халқ Республикаси ташкил қилинган кунга беш йил тўлишини нишонлашга тантанали равишда қуваниб блан тайёрланмоқда. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқлари байрам либосини киймоқда. Ҳамма жойда Хитой Халқ Республикасининг беш юлдузли қизил байроқлари, Хитой Коммунистик партияси ва халқ ҳукумати раҳбарларининг портретлари, шиорлар ва плакатлар кўриниб турипти.

Пекиннинг марказий майдони — Тяньаньминь айниқса безатилган ва чиройли тус олган. Бундан беш йил илгари шу майдонда Хитой Халқ Республикаси э'лон қилинган эди. Мао Цзэ-дунинг катта портрети тагида ҳукумат минбарининг бир бошидан иккинчи бошигача «Яшасин Хитой Халқ Республикаси!», «Яшасин бутун дун'ё халқларининг буюк бирлиги!» деган шиорлар ёзиб қўйилган.

Бу йил Тяньаньминь майдони тарихий кунга бағишлаб махсус қурилган қизил бетон минбарлар блан безатилди ва янада хашаматлироқ бўлиб қолди.

Хитой ишчилари республиканинг беш йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олмоқдалар. Шанхайдаги «Синьху» давлат металлургия заводининг коллективи тўққиз ойлик топшириқни сентябрьнинг йигирманчи числоларидаёқ бажарди. Аньшанда чўян қуйиш цехининг металлургларги сентябрьнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳар куни пландан ташқари юз тоннадан кўпроқ чўян эритиб бермоқдалар. Мукден қоғоз фабрикаси, заводи, Мукден электр симлари заводи, улар таркибидаги «Синьхуа» давлат металлургия заводининг коллективи тўққиз ойлик топшириқни сентябрьнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳар куни пландан ташқари юз тоннадан кўпроқ чўян эритиб бермоқдалар. Мукден электр симлари заводи, Мукден қоғоз фабрикаси, Тяньцзинь металлургия заводи ва бошқалар учинчи квартал планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Хитой самолётсозлари ХХРнинг бешйиллигига ажойиб совға тайёрладилар. Хитой осмонига мамлакатнинг ўзида ишланган биринчи самолётлар парвоз қилди.

Корхоналардаги ва жамоат ташкилотларидаги ҳаваскорлик коллективлари байрам кунларида янги программада тамошалар кўрсатишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Пантеон проектларининг муҳокама қилиниши

СССР Министрлар Советининг топшириувига биноан, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Қурилиш ишлари давлат комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг Ижроия комитети Совет мамлакати улуғ кишиларининг абадий шон-шарафи ёдгорлиси бўладиган ва Москвада Ленинские горида қуриладиган Пантеоннинг энг яхши проектини тайёрлаш учун очиқ конкурс э'лон қилдилар.

Конкурсни ташкил қилишдан олдин катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан, москвали машҳур ўнта архитектор — А. В. Власов, И. К. Жолтовский, Г. А. Захаров, А. Г. Мордвинов, Б. С. Мезенцев, М. В. Посохин, Л. М. Поляков, Л. В. Руднев, А. В. Хряков ва Д. Н. Чечулинларга Пантеоннинг дастлабки проект таклифларини ишлабчиқиш топширилган эди.

Ме'морлар томонидан тайёрланган шу проект таклифлари ҳозирги вақтда Архитекторлар марказий уйида жамоат кўригига қўйилган. 28 сентябрьда шу ерда Пантеоннинг биринчи проектлари кенг муҳокама қилинди. Муҳокамада пойтахтдаги 800 дан кўпроқ архитектор, скульптор, рассом ва илмий ходим қатнашди. Архитекторлардан К. Н. Афанасьев, Ю. С. Яралов, скульптор Г. И. Мотовилов, шоир П. Г. Антокольский ва бошқа нотиқлар дастлабки проект таклифларининг авторлари Пантеоннинг композициясини тўғри ҳал қилаолмаганлар, унинг содда ва монументал бўлишини та'минлай олмаганлар, аммо, улар томонидан қилинган иш очиқ конкурс қатнашчиларига бу бинонинг юксак бадиий образини ифода қилишларига ёрдам бераолади, деб қайд қилиб ўтдилар.

Сўзга чиққанлар Совет мамлакати улуғ кишиларининг абадий шон-шарафи ёдгорлиги бўладиган Пантеоннинг архитектура-бадиий образини яратиш, биноларни ва теварак-атрофдаги территорияни планлаш, бу улуғвор бинони ташқи ва ички жиҳатдан безаш учун юқори сифатли ва чидамли материалларни ишлатиш юзасидан конкрет таклифлар киритдилар. (ТАСС).

Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари ва жамоат инспекторларининг иш тажрибасини умумлаштириш

Тошкентда шаҳар саноат ташкилотлари касаба союз комитетларининг жамоат инспекторлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари а'золарининг иш тажрибасини умумлаштиришга бағишланган умумшаҳар кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон касаба союзлари совети чақирди. Кенгашда Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати фабрика комитетининг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси раиси ўртоқ Казанцев доклад қилди.

Бу йил тўқимачилик комбинатида янги вентиляция установкалари қуриш ва эскиларини ремонт қилиш, цехларда табиий ва сун'ий ёруғлиқни яхшилаш, иш ўринларида муҳофаза тўсиқлари қуриш, душхоналарни ва кийим ечадиган хоналарни кенгайтириш ишлари учун юз минг сўмлаб маблағ сарфланди. Корхонанинг даволаш муассасалари ўз ишларини анча яхшиладилар. Касалликларнинг олдини олиш учун ишчилар мунтазам суратда медицина кўригидан ўтказилмоқда. Бу йил бир мингга яқин тўқимачилар курортларга, дам олиш уйларига ва санаторийларга бориб келдилар.

800 га яқин касаба союз активлари — жамоат инспекторлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияларининг а'золари тўқимачиларнинг меҳнат шароитини соғламлаштириш тадбирларининг амалга оширилишини доимий равишда контроль қилиб турмоқдалар. Меҳнатни мўҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигининг аҳволи мунтазам суратда кўрикдан ўтказилмоқда. Буларнинг ҳаммаси касалликларни, ишлабчиқаришда шикастланишларни камайтиришга ёрдам бермоқда.

Кенгашда аравасозлик заводи, «Таштекстильмаш» заводи ва шаҳардаги бошқа корхоналар касаба союз завод комитетларининг меҳнатни муҳофаза қилиш жамоат инспекторлари ҳам ўзларининг иш тажрибаларини айтиб бердилар.

Кенгаш қабул қилган қарорда меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияларининг энг яхши иш тажрибасини ёйиш тадбирлари белгиланди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Туғилган кунига 60 йил тўлганлиги муносабати блан ва кўп йиллар мобайнида ҳалол меҳнат қилаётганлиги учун, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг махсус секторининг мудири ўртоқ Александр Степанович Лезовскийни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлади.

* * *

Туғилган кунига 60 йил ва илмий-педагогика фаолиятига 40 йил тўлганлиги муносабати блан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтининг кафедра мудири ўртоқ Михаил Давидович Гордонни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми ДОСААФ Тошкент шаҳар комитети ташкилот бўлимининг инструктори ўртоқ Ольга Федоровна Даринани кўп йиллар давомида самарали ишлаб келаётганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Тошкент область Қорасув районидаги Ленин номли колхозининг парник ишчиси ўртоқ Қорабой Мирдадаевни сабзавотчиликни ривожлантириш ишида кўп йиллар давомида самарали ишлаб келаётганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлади.

УЗБЕКИСТОН ССР ҲУКУМАТИ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА БИРМА ИТТИФОҚИ ИҚТИСОДИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

29 сентябрьда Ўзбекистон ССР ҳукумати К. Лалбҳай бошчилигидаги Ҳиндистон республикаси иқтисодий делегацияси, саноат департаменти бошлиғининг вазифасини бажаручи доктор Р. Сануси бошчилигидаги Индонезия республикасининг иқтисодий делегациясини ҳамда Бирма қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министри К. Д. Тажин бошчилигидаги Бирма Иттифоқи иқтисодий делегацияси Ўзбекистонга келганлиги муносабати блан уларни қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси У. Ю. Юсупов, Ҳиндистон республикаси иқтисодий делегациясининг бошлиғи К. Лалбҳай, Индонезия республикаси иқтисодий делегациясининг бошлиғи Р. Сануси ва Бирма Иттифоқи иқтисодий делегациясининг бошлиғи К. Д. Тажин нутқ сўзладилар.

Ўзбек миллий одатига кўра, четэл делегацияларининг ҳамма а'золарига совға қилиб бекасам тўн ва ўппи кийдирилди ҳамда шойи белбоғлар бойланди.

Қабул маросимида катта концерт берилди. Концертга Ўзбекистон пойтахтининг энг яхши артистлари иштирок этди.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Хитой халқ республикасининг ташкил қилинганига беш йил тўлиши муносабати блан

Тошкент шаҳар маданият ва истироҳат парклари Хитой Халқ Республикасининг ташкил этилганлигига беш йил тўлиши муносабати блан Хитойнинг саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятининг гуркираб юксалаётганлигини ифодаловчи фотомонтажлар, диаграммалар, витриналар ташкил қилинди.

Сталин номли, Горький номли, Пушкин номли парклар радиоузеллари орқали «Хитой-Совет дўстлиги», «Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси» деган темаларда лекциялар ва Хитой композиторларининг асарларидан музика ва ашулалар эшитдирилди.

Қ. ЯРАШБАЕВ,
Ю. АБДУВАЛИЕВ.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Мирзачўл	1,91	30,48	Оққўрғон	1,36	19,31
Гулистон	1,65	29,60	Пискент	1,33	18,51
Сирдар'ё	2,06	28,73	Бўка	1,21	18,24
Верхне-волинск	1,85	27,20	Ўртачирчиқ	1,21	16,50
Калинин	1,29	24,20	Ўртасарой	1,10	15,67
Орджоникидзе	1,63	22,91	Янгийўл	1,23	15,57
Юқоричирчиқ	1,50	22,35	Октябрь	1,13	15,55
Чиноз	1,52	21,52	Оҳангарон	1,28	14,39
Ховос	1,36	20,42	Қуйичирчиқ	1,17	10,80
Бекобод	1,35	19,86	Паркент	0,59	9,67

Улуғ Хитой халқига қардошлик саломлари!



Суратда: Синьцзян вилоятидан Сучжоу шаҳридаги (Цзянсу вилояти) биринчи ипак йигириш фабрикасига келган уйғур қизлари иш ўрганмоқдалар.

В. Володин фоторепродукцияси.

☆ ☆ ☆

Халқ Конституцияси

Шу йил 21 сентябрьда халқ вакилларининг Умумхитой мажлиси Хитой Халқ Республикасининг Конституциясини қабул қилди. Бу Хитой халқи тарихида жуда катта тарихий воқиадир. Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши Улуғ Хитой халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида узоқ йиллар давомида олиб борган қаҳрамонона курашининг якунидир.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси «Кириш» қисми блан бошланади. Бу бобда Хитой халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида эксплуатацияга, эулмга қарши олиб борган революцион кураши, Конституциянинг қабул этилиши, демократик тузум олдидаги вазифалар қисқача баён қилинади.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси 4 бобдан иборат: «Умумий низом», «Давлатнинг структураси», «Гражданларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари», «Давлат байроғи, Давлат Герби, Пойтахт». Бу тўрт боб яна алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратилган. «Умумий низом» деган биринчи боб Хитой Халқ Республикасининг моҳияти, ундаги диктатурининг характери, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги масалаларини баён қилади. Хитой Халқ Республикасида ҳозирги вақтда мулкчиликнинг тўрт хил шакли мавжуддир. Давлат мулки (умумхалқ мулки), кооператив мулки (меҳнаткашларнинг кооператив мулклари), меҳнаткаш-якка хўжаликлар мулки ва капиталистлар мулки мавжуддир. Давлат мулки — социалистик сектор бўлиб, халқ хўжалигида асосий ҳукмрон сектор ҳисобланади.

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг иккинчи боби энг катта бобдир. Бу боб 6 бўлимдан иборат. Бўлимларда халқ вакилларининг Умумхитой мажлиси, Хитой Халқ Республикасининг раиси, Давлат Совети, халқ вакилларининг Маҳаллий Советлари ва Маҳаллий Халқ Комитетлари, миллий автономия районларида ўз-ўзини идора қилиш органлари, халқ суди ва халқ прокуратурасининг структуралари кўрсатилган.

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 3-нчи боби «Гражданларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари» деб аталади. Бу бобда барча миллатлар, ирқлар ва жинсларнинг тенглиги, уларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, гражданларнинг меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш, қариб қолган ва меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда моддий ёрдам олиш ва бошқа ҳуқуқлари, сўз, матбуот, мажлислар, намойишлар ўтказиш ва бошқа эркинликлар қонунлаштириб мустаҳкамланган. Хитой гражданлари бундан бошқа бурчларга ҳам эгадир.

Конституциянинг охирги боби «Давлат байроғи, Давлат Герби, Пойтахт» деб аталади.

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг бундай характери ва хусусиятлари унинг дунёдаги энг демократик Конституциялардан бири эканлигини кўрсатади.

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг ижодчиси ва асосчиси Хитой Коммунистик партиясидир.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси ўзининг мазмуни ва моҳияти блан олтмиш миллионли хитой халқининг манфаатларини, уларнинг орзу ва умидларини, тинч, фаровон ҳаётда яшашга бўлган интилишларини ифодалайди.

Улуғ халқ орасида

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати.

Бир группа совет санъаткорлари 1950 йил ноябрь, декабрь ойларида Хитой Халқ Республикасида бўлган эдилар. Булар орасида Ўзбекистоннинг артистлари ҳам бор эди. Улуғ Хитой халқи бизни жуда самимий кутиб олди. Биз Хитойнинг Ғулжа, Урумчи (Синцзянь вилоятининг маркази), Хўтон, Қашқар каби шаҳарларида бўлиб, аҳолига кўп концертлар бердик. Хитой Халқ Республикасининг артистлари ҳам бор эди. Улуғ Хитой халқи бизни жуда самимий кутиб олди. Биз Хитойнинг Ғулжа, Урумчи (Синцзянь вилоятининг маркази), Хўтон, Қашқар каби шаҳарларида бўлиб, аҳолига кўп концертлар бердик. Хитой халқи ўзбек миллий сан'атига муҳаббат блан қаради. Биз ижро этган ашула ва рақслар уларга жуда манзур бўлди. Хитой аҳолиси совет артистларининг концертларини тамошо қилар эканлар, бу концертларда икки буюк халқнинг дўстлик ва ҳамкорликка, умумий ютуқлиш ва бутун дунёда тинчликка интилаётганларининг ифодасини кўрдилар.

Бизнинг Хитой Халқ Республикасида бўлишимиз озод халқлар маданий ҳамкорлигининг яқол намунаси бўлди. Мен Хитой артистларига «Тапавор», «Хоразмча» каби ўзбек халқ рақсларини ўргатдим, хитой артистларидан 8 кишини танлаб олиб, ўзбек миллий ўйини «Қаринаво»ни саҳнага қўйдим. Хитой артистлари бу ўйинларни зўр иштиёқ блан ўрганиб, яхши ижро этдилар. Хитой халқ артистларидан биз ҳам кўп нарсалар ўргандик. Мен бугдой ўрим-йиғимини ифодаловчи хитойча «Меҳнат ўйини»ни ўрганиб олдим. СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Назира Аҳмедова, Насим Ҳошимов хитойча қўшиқ ва ашулаларни ўргандилар. Биз хитой халқ артистларидан ўрганган ашула ва рақсларимизни хитой аҳолиси ўртасида ижро этдик. Бундан тамошобинлар ниҳоятда хурсанд бўлар, кўпинча бизнинг хитойча номерларни яна ижро этиб беришимизни илтимос қилардилар.

Биз халқ театрлари ва улардаги артистларнинг сан'ати блан танишдик ва у ерда цирк ҳамда эстрада сан'ати ниҳоятда тараққий этганлигига тўла қаноат ҳосил қилдик.

Совет сан'аткорларининг Хитой Халқ Республикасида бўлиши икки буюк халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаяжагини биз жуда яхши биламиз. Шунинг учун ҳам буюк хитой халқига унинг 5 йиллик юбилейи кунида ўз сан'атини янада ривожлантиришини чин қалбимиздан истаймиз.

☆ ☆

Факт ва рақамлар

★ Хитой Халқ Республикасида 1954 йилда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг миқдори 1949 йилдагига нисбатан 2,5 марта ортиқ бўлади.

★ Халқ ҳокимияти туфайли 300 миллион хитой деҳқонлари 47 миллион гектар ер олдилар.

★ Хитой оғир саноати 1954 йилда 1949 йилдагига қараганда 12,4 марта кўп чўян етказиб беради.

★ Республикада шу йил 1949 йилдагига нисбатан 13,7 марта ортиқ пўлат эритилади.

★ Машинасозлик саноати шу йил металл қирқиш станокларини 1949 йилдагига нисбатан 8,5 марта кўп ишлаб беради.

★ Ҳозир Хитойда барча деҳқон хўжаликларининг 60 процента ўзаро меҳнат ёрдами группаларига бирлашган.

☆ ☆ ☆

Хитой Халқ Республикасининг беш йиллиги

ЛИ ХЭ

* * *

Бугун Хитой Халқ Республикаси эълон қилинганига беш йил тўлди. Бу кун хитой халқи учун буюк миллий байрам куни бўлиб қолди.

«Биз халқ-озодлик уруши ва улуғ халқ революцияси жараёнида жипелашдик, — деган эди хитой халқининг йўлбошчиси ўртоқ Мао Цзэ-дун, — биз ташқи ва ички зоилмларни агдариб ташладик. Биз Хитой Халқ Республикасининг тузилганини эълон қиламиз. Бизнинг миллатимиз бундан буён ҳеч ким дунёдаги тинчликсевар ва эрксевар халқларнинг буюк оиласига киради. У, ўз маданияти ва бахтини барпо этиш учун фидокорона ва астойдил меҳнат қилади ҳамда бутун дунёда тинчлик ва озодлик учун кураш олиб боради. Бизнинг миллатимиз бундан буён ҳеч вақт ҳўрланмайди. Биз энди қаддимизни ростлаб олдик. Бизнинг революциямиз бутун дунёдаги кенг халқ оммасининг муҳаббатига ва ҳурматига сазовор бўлди, шунинг учун дунёнинг ҳамма бурчакларида бизнинг дўстларимиз бор».

Бу сўзлар айтилгандан бери беш йилгина вақт ўтди. Ана шу қисқа муддат ичида олти юз миллионли хитой халқи Хитой Коммунистик партияси раҳбарлиги остида озод ва бахтли ҳаёт қуриш йўлида жиддий муваффақиятларни қўлга киритди.

Бу муваффақиятларга эришиш осон бўлмади. Чан Кай-шининг жиноятчилар ва сотқинлар шайкасидан вайрон этилган халқ хўжалиги бизга мерос бўлиб қолган эди, бу хўжаликни тиклаш учун меҳнаткашларнинг жуда кўп кучи сарф бўлди. Бунинг устига Америка империалистлари мамлакатимизга бостириб кириш учун Кореяда босқинчилик урушини бошлагач, хитой халқи Америка агрессиясига қарши қуролли қаршилик кўрсатишга мажбур бўлган эди; хитой халқ кўнгиллилари қаҳрамонона корейс халқига душман устидан ғалаба қозонишда ёрдам бердилар.

1950 йилнинг бошларида Хитой Коммунистик партияси ва халқ ҳукумати халқ хўжалигини тиклашга киришиб, мамлакат молиясини мустаҳкамлаш, саноат ишини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва савдо-сотиқни уюштириш юзасидан бирқанча тадбирларни амалга оширдилар. Буларнинг ҳаммаси мамлакат экономикасини тезда тиклаш ва уни янги йўлдан янада ривожлантириш ишига ижобий та'сир кўрсатди.

Халқ революцияси ғалаба қозонгач, давлат империалистларга ва чанкайшичилар тўдасининг қолдиқлари блан биргаликда мамлакатдан қочиб кетган шахсларга тегишли саноат корхоналарини мусодара қилди. Ишчилар корхоналарни тиклаш ва уларни халқ хўжалигининг ҳақиқий илғор тармоғига айлантириш учун жуда катта ишлар қилдилар. Бошқаришнинг капиталистик системаси ва подрядчикларнинг феодал системаси тугатилиб, унинг ўрнига хўжаликни рационал тарзда бошқариш системаси ўрнатилди.

1953 йилнинг баҳорида мамлакатда аграр реформа асосан ўтказиб бўлинди. Икки-уч минг йил мобайнида ҳукмронлик қилган ерга нисбатан феодал мулкчилик бутунлай яксон қилинди. 300 миллионга яқин ерсиз ва кам ерли деҳқонлар 47 миллион гектар ер олдилар. Қишлоқ хўжалиги тез орада тикланди. Халқ демократияси диктатурасининг асоси бўлган ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқи янада мустаҳкамланди. 1952 йилда дон ва пахта ишлаб чиқариш, шунингдек қорамол сони шу даражада ўсдики, буидай даражани Хитой бутун тарихида кўрмаган эди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг тиклаиши блан бир вақтда ички ва ташқи савдо ҳам кенгайиб борди.

Хитой Халқ Республикаси тиклаш даври вазифаларини муваффақият блан бажариб, планли иқтисоди қурилиш даврига, саноатда ва қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришларни амалга ошириш даврига кирди. 1953 йилдан бошлаб янги Хитойнинг меҳнаткашлари халқ хўжалигини тиклаш биринчи бешйиллигини амалга оширабошладилар. Икки йилга етар-етмас муддат ичида биринчи бешйилликни бажаришда социалистик қурилишнинг барча соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришилди.

1953 йилда мамлакат саноат маҳсулоти 1952 йилдагига нисбатан муайян баҳоларда 33 процент, шу жумладан давлат саноат маҳсулоти 40 процент ошди.

Мамлакатда ишлаб чиқариладиган бутун маҳсулотнинг умумий ҳажмида ҳозирги замон саноат маҳсулотининг салмоғи ошди. 1952 йилда у 28 процентни ташкил қилган бўлса, 1953 йилда 31 процентни ташкил қилди. Давлат, кооператив ва аралаш секторларнинг саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулоти бўйича план 107 процент бажарилди. Саноатнинг асосий тармоқлари — электроэнергетика, кўмир, нефть, металлургия, химия, машинасозлик ва бошқа тармоқлари бўйича белгиланган план анча ошириб бажарилди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани ҳам умуман ошириб бажарилди.

Буюк Совет Иттифоқининг қардошларча кўрсатаётган ёрдами блан амалга оширилаётган 141 йирик саноат об'ектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари борган сари тезроқ темплар блан бажарилмоқда. Бу корхоналар орасида металлургия комбинати, нефть ишлаш, машинасозлик, автомобиль, трактор заводлари, рангли металлургия корхоналари, шахталар, электростанциялар бор. 1953 йилда 114 муҳим саноат корхоналарини қуриш бошланди. Булардан 36 таси қурилиб бўлди ёки қисман эксплуатацияга топширилди. Марказга бўйсундирилган саноатнинг турли тармоқларида капитал қурилишларга ажратилган маблағ 1953 йилда ўтган йилдагига нисбатан 2 мартадан кўпроқ ошди. 1954 йилда эса янада ошмоқда.

Аграр реформа асосан тугалланган қишлоқларда ўзаро ёрдам ишлабчиқариш группалари ва қишлоқ хўжалик кооперативларини тузиш учун кураш қизғин тус олиб бормоқда. 1954 йилда бу кооперативлар ўзаро ёрдам группалари блан биргаликда барча деҳқон хўжаликларининг тахминан 60 процентини бирлаштиради.

Булардан ташқари кўп миқдорда давлат хўжаликлари ташкил этилди, юздан ортиқ шундай хўжаликлар механизациялаштирилди. 1953 йилда жиддий табиий офат юз берганига қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий миқдори 1952 йилдаги даражадан юқори бўлди.

Социалистик экономиканинг тиҳмай тараққий этиши Хитой Халқ Республикасида халқ демократик тузумнинг янада мустаҳкамланишини ва ривожланишини та'минлаш ҳамда мамлакатнинг социализмга ўтиши учун зарур моддий базани мустаҳкамлаш.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ривожланиши натижасида халқнинг моддий ва маданий ҳаёти даражаси анча ўсди. Хитой Халқ Республикаси халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларнинг сони 1953 йилда тахминан 15 процент кўпайди. Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи 1952 йилда 1949 йилга нисбатан 60 процент, 1953 йилда эса яна 5 процент ошди.

Хитойдаги бошланғич, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқучилар сони ўсиб бормоқда. 1953 йилда мамлакатдаги бошланғич ва ўрта мактабларда 58 миллион бола ва ўсмирлар ўқиди, бу мамлакат озод қилинганигача эришилган энг юқори даражадан икки марта кўпдир. 1954 йилда олий ўқув юртларида ўқучиларнинг сони 250 мингдан ошиб кетди. Кейинги тўрт йил мобайнида олий ўқув юртларини 110 минг киши тамомлаб чиқди. Бу — мамлакат озод қилинмасдан бурун 10 йил ичида олий ўқув юртини тамомлаб чиққан студентлар сонига тенгдир. Илгари, Хитой озод бўлганига қадар ишчи ва деҳқон болаларининг мактабга кириши жуда қийин эди. Ҳозир студентларнинг 20 процентини, ўрта мактаб ўқучиларининг 60 процентини, бошланғич мактаб ўқучиларининг 80 процентини ишчи ва деҳқон болалари ташкил қилади.

Ўтган беш йил мобайнида Хитойнинг Совет Иттифоқи ва барча халқ демократияси мамлакатлари блан ажралмас дўстлиги юзага келди ва мустаҳкамланди. Бу бизнинг хўжалик муваффақиятларимизга ижобий та'сир кўрсатмоқда, Хитой Халқ Республикасининг халқаро аҳволини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Янги Хитой тенг ҳуқуқлилик, икки томоннинг ҳам фойда олиши ва бир-бирларининг территориал бутунлиги ва суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш принципларига асосланиб, дунёдаги барча мамлакатлар блан халқаро алоқаларни ўрнатмоқда ва мустаҳкамламоқда. Ҳозир Хитой 25 мамлакат блан дипломатик алоқаларни ўрнатди ёки ўрнатмоқда. Хитой кўпгина давлатлар блан савдо муносабатларига эга.

Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа манфаатдор мамлакатларнинг Женевада бўлиб ўтган кенгаши ва бу кенгашда Ҳинди-Хитойда тинчликни ўрнатиш тўғрисидаги битимга келинганлиги Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатлари ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар ҳамда халқлар блан биргаликда халқаро кескинликни юмшатиш учун курашаётган Хитой Халқ Республикаси Осиёда ва бутун дунёда тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'минлашда муҳим фактор эканлигини исботлайди.

Халқ Хитойнинг эришаётган муваффақиятлари уруш оловини ёқучиларга ва биринчи навбатда Америка Қўшма Штатларининг империалистларига ёқмайди. Америка агрессорлари яқол кўриниб турган фактлар блан ҳисоблашмасдан, халқ Хитойига нисбатан душманлик сиёсатини ўтказмоқдалар ва Тайвань оролига ўрнашиб олган Чан Кай-шининг шармандаси чиққан ва халққа қарши тўдасини бутун воситалар блан қўллаб-қувватламоқдалар.

Кореяда урушнинг тўхтатилиши ва Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатилиши Америка Қўшма Штатларининг агрессив сиёсатига жиддий зарба етказди. Улар Тайваньни оккупация қилишни давом этдириб, Чан Кай-шининг сотқин тўдасини Хитой Халқ Республикасига нисбатан босқинчилик ва провакацион ҳаракатлар қилишга ундамоқдалар. Аммо америка агрессорларининг бу ерда ҳам муваффақиятсизликка учрашитурган гап.

1950 йил 14 февральда имзоланган Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома Хитой-Совет дўстлигининг ривожланишида янги давр очди. Совет Иттифоқи Хитойга иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида биродарларча катта ва беғараз ёрдам кўрсатмоқда.

Хитой халқи Хитой Халқ Республикаси ташкил этилишининг беш йиллигини зўр ватанпарварлик кўтаринкилиги блан кутиб олмоқда. Яқинда мамлакатда халқ вакилларининг Умумхитой мажлисига сайлов бўлиб ўтди. Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг биринчи сессияси халқ демократик Конституциясиҳ — социалистик типдаги Конституция бўлган Хитой Халқ Республикасининг Конституциясини қабул қилди. Бу конституция хитой халқ революциясининг ютуқларини қонун блан мустаҳкамлади. У, хитой халқини янада кўпроқ илҳомлантирди, унинг социалистик жамият қуришга эришиш йўлидаги иродасини янада мустаҳкамлади.

Суратда: Контон шаҳридаги (Жанубий Хитой) Индустриал институт кутубхонасининг биноси.

В. Володин фоторепродукцияси.

☆ ☆ ☆

Янги Хитойда

Р. МУҚИМЖОНОВА,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари.

Халқ ҳокимияти Хитой ёшларига меҳнат қилиш, билим олиш учун жуда кенг имкониятлар яратиб берди. Меҳнатсевар хитой йигит ва қизлари республиканинг барча меҳнаткашлари блан бир сафда туриб, ўзларининг бутун куч ва билимларини халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш ишига сарфламоқдалар.

1949 йилнинг апрелида ташкил этилган Янги Демократик Ёшлар Союзи (НДСМ) Хитой Коммунистик партиясининг содиқ ёрдамчисига, ёшлар ўртасида эўр та'сир ва обрўй қозонган оммавий ташкилотга айланди. НДСМ ўзининг ўтган йил ёзида бўлиб ўтган II с'езди даврида 9 миллион а'зоси бўлган 380 минг бошланғич ташкилотларга эга эди.

Хитойга, НСДМ II с'ездида қатнашиш учун таклиф этилган ВЛКСМ делегацияси с'езд ўз ишларини тамомлагач, мамлакатнинг шарқи-жанубий районларига сафарга чиқди. Тяньцзин, Нанкин, Шанхай, Ханчжоу шаҳарларида ва бирқанча бошқа йирик саноат марказларида бўлди. Биз турли касбдаги жуда кўп кишилар блан: металлургилар, тўқучилар, деҳқонлар, студентлар, олимлар блан учрашдик, узоқ-узоқ суҳбатлашдик. Улар ўз касблари ва турмуш тажрибаларининг турлича бўлишига қарамай бир иштиёқ, бир туйғу ва мақсад блан яшар, меҳнат қилардилар. Ўз Ватанини оташин муҳаббат, Коммунистик партияга ҳамда хитой халқининг энг содиқ дўсти — Совет Иттифоқига чексиз миннатдорчилик ҳисси уларнинг қалбидан энг чуқур ўрин олган эди.

Пекин яқинида мамлакатдаги энг йирик қишлоқ хўжалик институтларидан бири жойлашган. Делегациямиз шу институтни бориб кўрди. Студентлар бизни эўр самимий блан қарши олдилар. Улар мичуринча агробиология фанини эўр ғайрат блан эгаллаётганликларини бизга айтиб бердилар.

Пекин пионерлар саройида ўтказилган дақиқалар асло хотирадан ўчмайди. Пионерлар бизни саройга кираверишда кутиб олдилар ва дастлаб Зоя Космодемьянскаянинг катта портрети қўйилган хонага бошлаб кирдилар. Уларнинг ҳар бири Зоянинг жуда ҳам яхши кўришларини, Зоя каби ўқишга аҳд қилганликларини айтдилар.

Делегациямизнинг Пекин яқинидаги Тай Пинцяо қишлоғининг деҳқонлари, Тяньцзин ва Шанхай шаҳарларидаги фабрика ва завод ишчилари блан бўлган учрашувларни ҳам самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Биз Хитойда деярлик бир ойча бўлдик. Ҳамма жойда ҳам бизни энг азиз меҳмонлар, қадрдон дўстлар каби қарши олдилар. Совет кишиларининг меҳнати, турмуши тўғрисидаги энг кичик лавҳалар ҳам хитой меҳнаткашларини жуда қизиқтирарди. Хитой йигит ва қизлари ватан, халқ бахт-саодати йўлида астойдил меҳнат қилишни, курашишни совет кишиларидан ўрганаётганликларини зўр ҳаяжон блан сўзлардилар.

Николай Островский, Зоя Космодемьянская, Олег Кошевой ва унинг краснодонли дўстлари хитой ёшларининг энг севимли қаҳрамонлари бўлиб қолган.

Ўз Ватанимизга — Совет Иттифоқига қайтиб боргач, совет ёшларига, барча совет кишиларига буюк муҳаббат ва асло бузилмас дўстлик тўғрисидаги энг порлоқ, яқишқин туйғу ва тилакларни етказишни хитойли ёш дўстларимиз бизлардан илтимос қилиб қолдилар.

Хитой Халқ Республикасининг 5 йиллиги кунида биз, совет ёшлари Хитой ёшларига алангали салом йўллаймиз!

Порлоқ турмуш эгаси

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ССР совхозлар министрининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мен Хитойга 1949 йилда — мамлакатда озодлик ва эрк ғалаба қилган йилда борган эдим. Янги халқ давлатининг доно сиёсати қаҳрамон хитой халқини ғоят қувонтирган эди. Хитой Коммунистик партияси халқни ғолибона йўлдан даъвет қадамлар блан олга олиб бормоқда эди.

Биз — совет делегатлари бориб кўрган шаҳар ва қишлоқларда бизни ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар эўр хурсандчилик блан, совет халқига чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари тўлиб-тошган ҳолда кутиб олдилар.

Биз Хитойга борган йили мамлакатдаги ҳарбир киши янги давлат тузумидан миннатдор бўлган ҳолда Коммунистик партия раҳбарлигида ана шу тузумни янада мустаҳкамлаш учун эўр ғайрат блан курашмоқда эди.

Биз, совет кишилари улуғ хитой халқининг турмуши ва меҳнати блан ҳамавақт қизиқиб турамиз. Энди, Хитой бутун дунёда буюк мамлакат бўлиб қолди. Яқинда халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг биринчи сессиясида Хитой давлатининг Конституцияси тасдиқланди. Хитой халқи ўз ғалабаларини якунловчи Конституциясига эга бўлди.

Совет мамлакати ёш Хитой давлатининг ҳартарафлама мустаҳкамланишида унга экономика ижтиҳатидан дўстона ёрдам бериб турипти. Хитой далаларида «Сталинец—6» комбайнлари, зўр қувватга эга скрепер ва бульдозерлар ишлатилмоқда. Бизнинг кучли тракторларимиз хитой деҳқонларининг ерларини ҳайдаб беришда катта ёрдам кўрсатаётир.

Хитой ва совет халқларининг дўстлиги мустаҳкам ва абадийдир. Ана шу дўстлик тобора ривож топар экан, ҳар иккала улуғ давлат халқлари бутун дунёда тинчликнинг байроқдори бўлиб қолади.

Биз, Ўзбекистон меҳнаткашлари хитой халқининг беш йиллик юбилейида унга социалистик қурилишда янада каттароқ муваффақиятлар тилаймиз. Унинг социализм сари олга бориб, шу йўлда ғалабага эришишига ишонамиз.

☆ ☆

Факт ва рақамлар

★ 1954 йилда Хитой Халқ Республикасида истеъмол моллари ишлаб чиқариш 3,1 марта ортиқ бўлади.

★ 1953 йилда мактаб таълими мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин эришилган энг юксак даражадан анча ортиқ бўлди:

олий ўқув юртларида таълим олаётган студентлар сони 40 процент;

ўрта мактаб ўқучиларининг сони 96 процент;

бошланғич мактаб ўқучиларининг сони 117 процент кўпайди.

★ Хитой Халқ Республикасидаги болалар боғчаларида тарбияланаётган болалар сони 1953 йилда мамлакат озод этилганигача бўлган энг юксак даражадан 226 процент кўп эди.

ҒАФУР ҒУЛОМ.

ЎРТОҚ МАО ЦЗЭ-ДУНГА

(Поэманинг II қисмига кириш)

Жуда катта халқнинг ҳурматин
сақлаб,
Қўлим кўкрагимда, айтмоқчиман сўз.
Туғилмас саховат блан яқиниаб
Москва уфқидан қадрдон юлдуз
Сақифам устига мўл-мўл нур сочар.
Инсонлар йўлдоши, энг азиз башар
Оппоқ варақларга мени йўллади,
Ҳар аниқ фикрда ўзи қўлладн.
Фикрлар монолит бир ғурур каби;
Сатрлар оқади заррин нур каби.
Ипак толалардек майин куй блан,
Халқимиз дилига оҳангдош, пором,
Асрлар чиниққан қат'ий ўй блан
Ше'рининг қолганин этаман давом.
Қоғоз ижодкори бўлган халқ учун
Энг а'ло қоғозда а'ло сатрлар...
Сиёҳга ишлатдим чимо-чин тушни,
Тоинки ўчмасин минг-минг асрлар.
Хитой товаридек мунаққаш, нозик
Сўзлар тўқимоқни қиларман орзу.
Ҳар сўз холис зардан яхлит
қуйгандек,
Қадрда, қимматда бўлолсин ёмбу.

☆ ☆

Ленин—Сталиндан ололдим илҳом.
Шу улуғ э'тиқод, шу улуғ ишонч
Ҳар нафас бахш этди қаёт тўла жом.
Йигитлик чоғимнинг нурли тонгида
Улуғ Чин ша'нига йўнаркан қалам,
Тўла қонли қалбим ялтирар эди.
Кўксимда «Ким» деган нишондек
кўркам.
Бир комсомол эдим, совет йигити,
Хитой халқи учун бошладим достон.
Тилагим чўғ эди, муродга етдим,
Қатрада анс этган каби осмон.
Партия илҳом берди, мен ёзиб
турдим,
Ҳар қайси ше'рнинг умри сингари,
«Хитой лавҳаларин» оққа кўчирдим
Роса йигирма йил бундан илгари.
Мао Цзэ-дун ҳам худди шу йиллар
Иккам қирқ ёшдаги новқирон эди.
Улуғ Хитой халқин доно раҳбари
Курашни қизитган зўр замон эди.
Шу халққа, шу халқнинг етакчисига—
Ше'римни ғулларга, нурга ўрадим...
1951 йил.

☆ ☆



Суратда: Совет мутахассислари ёрдамида реконструкция қилинган Фиҳмань ГЭСининг плотинаси ва сув омбори (Шарқи-шимолий Хитой).

В. Володин фоторепродукцияси.

Партия маорифида янги ўқув йилини уюшқоқлик блан бошлайлик!

☆ ☆

Коммунистлар марксизм-ленинизм асосларини қунт блан ўрганмоқдалар

КПСС Устави ҳарбир коммунистдан марксизм-ленинизм асосларини қунт блан ўрганиб боришни талаб қилади. Ўз сиёсий билимини тўхтовсиз ошириб борган, марксизм-ленинизм асосларини чуқур ўрганган киши Коммунистик партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажараолади ва оммага етакчилик қилишни уддалайди.

Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг партия маорифи шохобчаларида машғулотларни уюштириш ва ўқиш сифатини яхшилаш тўғрисидаги 1953 йил 19 сентябрь қароридан кейин кадрларнинг назарий билимларини оширишга кўпроқ э'тибор берабошлади. Пропагандист кадрларни танлаш иши яхшиланди, партия маорифи шохобчаларидаги машғулотларни юқори савияда ўтказиш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар кўрилди. Темаларни ўтишда дагматизмга ва қироатхонликка қарши кескин кураш олиб борилди ва ҳарбир коммунистнинг ўтилган темаларни пухта ўзлаштиришига э'тибор кучайтирилди. Натижада 1953—54 ўқув йилида 3 ярим минг коммунист ва 2 мингдан ортиқ партиясиз активлар партия маорифи шохобчаларида ўқидилар. 600 га яқин партия, совет активлари марксизм-ленинизм кечки университетида, район партия сиёсий мактабида ўқиди. 500 дан ортиқ коммунист эса марксизм-ленинизм асарларини қунт блан мустақил ўргандилар.

Коммунистлар сиёсий билимларини ошириш блан бирга, шиддатлиқаришга янада активроқ қатнашабошладилар, яшчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхшилаб, социалистик мусобақани қизиндилар ва кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.

Район партия комитети партия маорифи шохобчаларида 1954—55 ўқув йилини уюшқоқлик блан бошлаб юбориш учун бирмунча амалий тадбирларни кўрди. Янги ўқув йилига тайёргарликка доир масалалар район партия комитетининг пленум ва бюро мажлисларида, партия активи йиғилишида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида кенг муҳокама қилинди. Бу соҳада ўтган йили йўл қўйилган жиддий камчиликлар очиб ташланди ва ўқиш йилига тайёргарлиндаги камчиликлар тугатилди.

Ма'лум бўлишича, райондаги экскаватор, электрокабель заводларида, Тошкент медицина институти партия ташкилотларида коммунистларни ўқишга тортишда формализмга йўл қўйилган, улар блан индивидуаль суҳбат ўтказилмаган, партия а'золарининг билимлари ҳисобга олинмаган, ихтиёрийлик принципи қўпол равишда бузилган. Бундай жиддий хатоликлар албатта сиёсий ўқиш тўгаракларида машғулотларнинг мунтазам, юқори савияда ўтишига халал берар эди. Район партия комитети партия активларининг яқиндан кўрсатган ёрдами блан бу хатоларни тузатди.

Пропагандист кадрларнинг малакасини оширишга э'тибор кучайтирилди. 50 га яқин пропагандист Тошкент шаҳар, область партия комитетлари ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги пропагандист кадрларнинг малакасини ошириш курсларида ўқиб келдилар. Жуда кўп пропагандистлар эса семинар машғулотларида қатнашдилар. Район ва завод партия кутубхоналари ўқув йилига пухта тайёргарлик блан келдилар. Марксизм-ленинизмни мустақил ўрганучилар учун яқиндан ёрдам берилади. Партия кутубхоналари консультацияларни мунтазам ўтказиб туриш учун ма'лум план тузиб чиқдилар.

Район партия ташкилоти бу йил сиёсий ўқиш мактаби ва тўгараклларнинг сонини анча қисқартириб, уларнинг сифатига кўпроқ аҳамият беради. Ўтган йили 511 киши мустақил равишда марксизм-ленинизм асарларини ўрганган бўлса, бу йил уларнинг сони 700 га етди.

Район партия ташкилоти ўқишнинг дастлабки кунидан бошлаб машғулотларнинг юқори савияда, мунтазам ўтишига эришиш учун бошланғич партия ташкилотларининг мас'улиятини янада оширишга эришади.

В. ПОПОВ,

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар, Куйбишев район комитетининг секретари.

Партия кутубхонасининг ишини яхшилаймиз

Ўзбекистон КП Москва район комитетининг партия кутубхонаси партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилининг бошланишига пухта тайёргарлик кўрди.

Ўтган йили кутубхонада индивидуаль ва группа бўйича консультациялар бериш яхши уюштирилмаган. лекторлар группаси ёмон ишлаган эди. Лекторлар группаси ишини яхшилаш мақсадида район партия комитети бу йил ўртоқ Яновскийни юқори типдагч тўгарақдаги пропагандистлик ишидан озод қилиб, лекторлар группасининг раҳбари этиб тасдиқлади.

Марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганучиларга ёрдамни кучайтириш мақсадида партия кутубхонасини штатсиз консультантлари сифатида юридик институтнинг КПСС тарихидан дарс беручи юқори малакали ўқитучилари — марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири, доцент И. Мавлоний, институт кафедраларининг мудирлари доцент Манелис ва Домбровский, институт ўқитучиси Овсяннников ва бошқалар тасдиқланди.

Сиёсий иқтисод бўйича институт сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири ўртоқ Тоболин, ўқитучи ўртоқ Мацкевич ва бошқалар консультант бўлиб ишлайдилар.

Диалектик ва тарихий материализм бўйича ҳам тажрибали ўқитучилар консультант қилиб тайинландилар. Штатсиз консультантлар орасида Гудошников ва Соболев ўртоқлар сингари тажрибали пропагандистлар бор.

Партия кутубхонасида сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамият лекторлари икки циклда лекция ўқийдилар. Бу йил районда КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, философия ва социалистик корхоналарнинг экономика масалалари юзасидан цикл лекциялар уюштирилади.

Партия кабинети ҳузурида бешта пропагандистлик семинарлари ўз ишини бошлади. Бу семинарларга профессор Луцкий, доцент Гордиенко, фанлар кандидати Бовшовер ва бошқа ўртоқлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Кутубхонада пропагандистларга ёрдам кўрсатиш мақсадида сиёсий мактаблар, тўгараклар ва марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганучиларнинг биринчи машғулотлари учун керак бўлган сиёсий адабиётлар витринаси ташкил қилинди.

23 сентябрьда район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда партия маорифи шохобчаларида ўтган йили қилинган ишларнинг якуни ва 1954/55 ўқув йилидаги вазифалар муҳокама қилинди. Актив қатнашчилари ўз нутқларида ўтган ўқув йилида йўл қўйилган камчиликларни, янги ўқув йилига тайёргарликдаги нуқсонларни очиб ташладилар. Ўзбекистон КП район комитетининг пропаганда ва агитация бўлими партия кутубхонаси ишидаги нуқсонларни тезда тугатиш ва лекция ишини яхшилаш юзасидан барча чораларни кўрмоқда.

Е. ИНГМАН,

Ўзбекистон КП Москва район комитети партия кутубхонасининг мудири.

Ишончни оқлайман

Мен, бошланғич партия ташкилоти ҳузуридаги КПСС тарихини ўрганиш тўгарагида пропагандистлик қиламан. Ўтган ўқув йилида машғулотларни ўз вақтида ўтказганим туфайли, ўқиш программасида кўрсатилган темаларнинг ҳаммаси ўтилди. Тўгарагимизда якунловчи машғулотлар уюшқоқлик блан ўтди ва тўгарак қатнашчиларининг кўпчилиги партиямиз тарихини қунт блан ўрганганликлари аниқланди.

1953/54 ўқув йилини муваффақиятли якунлагач, район партия комитети мени область партия комитети ҳузурида ташкил қилинган пропагандистларнинг малакасини ошириш бир ойлик курсига юборди, бу курс пропагандистлик маҳоратимни оширишга катта ёрдам берди. Мен район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими томонидан ўтказилган пропагандистларнинг семинарларига доимо қатнашиб, ҳарбир темани қандай ўтиш юзасидан етарли консультацилар олиб турдим. Янги ўқув йилида ҳам ана шундай қиламан.

Дастлабки кунлардан бошлаб машғулотларнинг юқори савияда ўтиши учун керак бўлган ҳамма кўргазмали ўқув қуроллариии тайёрладик. Бизда ҳар ҳафтада бир марта машғулот бўлади. Бу машғулотларнинг та'сирчан ўтиши учун ҳаракат қиламан ва уларга пухта тайёрланаман. Шу блан бирга темани кўпроқ маҳаллий шароитлардан мисоллар келтириб тушунтираман. Тажриба шуни кўрсатдики, цитата ва рақамлар қанча кам ишлатилса, тингловчилар темаларни шунчалик пухта ўзлаштирадилар.

Ўтилган темаларнинг тингловчилар томонидан яхши ўзлаштирилиши биринчи галда пропагандистнинг усталигита боғлиқ. Пропагандист семинар ва курсларда ўқиган билимлардан тўғри фойдаланган ҳолда ҳарбир машғулотга пухта тайёрланиши керак. Машғулотлар қизиқарли ўтса, коммунистларнинг давомати ҳам сўзсиз яхши бўлади.

Пропагандистларга коммунистларнинг сиёсий билимини оширишдек мас'улиятли вазифа топширилган. Бу шарафли вазифага муносиб равишда ишлаб, менга кўрсатилган ишончни оқлаш учун барча куч ва билимимни сарфлайман.

А. ХАЛИЛОВ,

Пропагандист.
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози.

Ҳиндистон республикаси сан'ат усталарининг Ўзбекистон пойтахтида концерти

Суратда: Машҳур ҳинд раққосаси **Тара Чоудри** (чапда) классик ҳинд раққосини ижро этмоқда. **Мира Четтержи** ва **Суриндер Каур** (ўнгда) ҳинд халқ қўшиғини ижро этмоқдалар.

И. Глауберзон ва **И. Душкин** фотолари.

☆ ☆

Совет Ўзбекистонининг пойтахти азиз меҳмонларни — Ҳиндистон маданият ва сан'ат арбоблари делегациясининг а'золарини самимият блан қутиб олди.

Кеча, 29 сентябрьда, Ҳиндистон республикаси сан'ат усталарининг биринчи концерти бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрининг тамоша зали кишилар блан лиқ тўлган эди. Тошкент саноат корхоналари ва муассасаларининг ишчилари, хизматчилари, фан ва маданият арбоблари, ўқучилар Ҳиндистон халқларининг ижоди блан танишмоқ учун келдилар.

Ҳинд сан'атига бағишланган кечада ҳозирги вақтда Ўзбекистонда турган бирқанча четэл делегациялари ҳозир бўлди.

Театр саҳнаси Совет Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Ҳиндистон республикасининг давлат байроқлари блан безатилган. Концерт бошланиши олдидан оркестр Ҳиндистон ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларини ижро этди.

Концерт бошланади. Ашулачилар, раққослар, созандалар ажойиб ва хилма-хил программадаги номерларни кўрсатабошладилар. Таланти мастерларнинг ҳарбир чиқиши тамошабинлар томонидан қарсаклар блан қутиб олинди. Ҳинд халқининг ёркин ва ўзига хос сан'ати кўп асрлардан буён давом этиб келмоқда ва кўп миллионли Ҳиндистон халқининг ҳаёти блан мустаҳкам боғланган.

Концертда ҳозир бўлганлар миллий шоир Иқболнинг «Бизнинг Ҳиндистон ҳаммалан яхши» деган асарини ижро этган Мира Четтержи, Суриндер Каур, Сурьямукхи, Сурьянарайн, Гиан Гхош, Рави Шанкар, Аса Сингх Мастана, Дорайсвами, Кришна Пиллаи, Нарияна-свамиларни қизғин қутиб олдилар.

Ҳиндистонда пантомима машҳур мастерларидан бири артист Гопинатхнинг чиқиши ҳамманинг олқишига сазовор бўлди. Унинг Катажхали классик услубида ижро этган «Кийиқ», «Балиқ», «Тимсох», «Буғи», «Фил», «Соч тараш», «Сиз кўраяпсиз», «Мен кетдим» деган рақс пантомималарида таклид қилиш сан'атини кўрсатди.

Тамошабинлар концертнинг бошқа номерларини ғоят қизиқиш блан қузатиб бордилар. Артистлар Ҳиндистон халқлари рақс сан'атининг турли услубларидан энг яхши намуналарини кўрсатдилар. Ҳинд хореография сан'ати усталаридан Тара Чоудри, Вижей Радхав Рао, Сурьямукхи, Читрасен Сингх, Бабу Сингх, Надиа Сингх томонидан ижро этилган ва Бҳарат Натьями, Катокхали, Катхак, Манипури классик услубидаги рақслар, Нага қабиласининг рақси катта таассурот қолдирди. Бҳарат Натьям ва Катхак услубидаги рақслардан таланти раққоса Тара Чоудри ижро этган рақслар ёркин ифодали бўлиши ва моҳирона пластик ҳаракатлар блан тамошабинларни қайиқ қилди.

Якка ижрочи ашулачилар юксак музиқа маданиятини намойиш қилиб кўрсатдилар. Улуғ ҳинд шоири Робиндранат Тагорнинг лирик поэмаси ашулачи Мира Четтержи томонидан ижро этилиши жуда ҳам ёқимли бўлди. Машҳур ҳинд ҳофизи Аса Сингх Мастана халқ қўшиғи «Болиян»ни («Ҳосил байрами» қўшиғини) ижро этганида концертда ҳозир бўлганлар гулдурос қарсаклар блан уни олқишладилар. Винайак Рас Патвардхон ижро этган классик мелодия ва артист Суриндер Каур куйлаган муҳаббат қўшиғи ғоят та'сирли бўлди. Артистлардан Мира Четтержи ва Суриндер Каур хурсандлик қўшиғи лапарини ижро этдилар. Артистлардан Суриндер Каур ва Аса Сингх Мастана халқ қўшиғи «Таппа'ни ғоят завқ блан куйлалилар.

Ҳинд халқи ўзининг созларда ижро этилучи музиқаси блан машҳурдир. Концертда қатнашган созандалар мураккаб халқ созларида ниҳоят даражада юксак маҳорат блан халқ куйларини ижро этдилар.

Бутунҳиндистон радиосининг солисти, созанда ва композитор Рави Шанкар ўзи яратган куйни сетрда чалиб бериб, соз чалишда юксак сан'аткор экانлигини кўрсатди. Отоқли созанда Шажур Хон сарони деган созни чалишга жуда ҳам моҳир экانлигини зўр муваффақият блан намойиш қилди. Солист Нараянасвами Вина деган созни чалиб тингловчиларни қойил қилди. Созанда артистлар ансамбли Рави Шанкар қайта ишлаган ҳинд халқ куйларини катта маҳорат блан ижро этди.

Созандалардан Дорайсвами, Сурьянарайн, Кришна Пиллаи, Гиан Гхош, Иботон Шарма сароғи, табла, мирданган, басури, дхелак, танпура, чунгру, манжара номли халқ созларида ҳинд артистларига жўр бўлдилар ва бу блан уларнинг муваффақиятга қозонишига ёрдам бердилар.

Концерт охирида таланти ҳинд артистлари Ҳиндистон Республикасининг миллий гимни — Жона Гана Маманн ижро этдилар.

Ҳиндистон сан'ат усталарининг Тошкентдаги биринчи концерти жуда катта муваффақият блан ўтди. Бу концерт тинчликсевар ҳинд халқининг ёркин, оригинал ва гўзал сан'атини яққол намойиш қилиб кўрсатди. Тамошабинлар артистларнинг ҳарбир чиқишини қайта-қайта олқишлаб табриклаш блан совет кишиларининг ҳинд халқига, унинг ажойиб маданиятига бўлган ҳурматини ва ҳайрихоҳлигини ифодаладилар.

Концерт тамом бўлгандан кейин республика сан'ат арбобларининг катта бир группаси Совет Ўзбекистонининг жамоатчилиги номидан ҳинд сан'ати усталарини ва улар орқали бутун ҳинд халқини самимий табриклаладилар.

СССР халқ артисти профессор Муҳтор Ашрафий азиз меҳмонларга мурожаат қилиб, уларга ҳинд халқ ижодининг энг яхши намуналаридан иборат ажойиб концерт берганликлари учун ташаккур билдирди, ҳинд халқининг янада яйраб-яшнашини тилади.

М. Ашрафий совет-ҳинд дўстлиги яшасин, деб хитоб қилганида тамошабиларнинг гулдурос ва давомли олқишлари театр залини янгратиб юборди.

Концертда қатнашган ҳинд артистларининг ҳаммасига гулдасталар тақдим қилинди.

Ҳиндистон маданият ва сан'ат арбоблари делегациясининг бошлиги М. Чандрасекхар табриклларга жавоб нутқи сўзлаганда унинг сўзларини тамошабилар самимият блан тинглаилар. У, ҳинд халқи номидан қизғин салом айтди, Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларига самимият ва хурсандлик блан қабул қилганликлари учун ташаккур изҳор қилди ва ҳинд артистларининг бу ерга келиши Ҳиндистон блан СССР халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга, тинчликни ва улуғ халқлар ўртасидаги дўстлик ишини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. (ЎзТАГ).

Партия маорифи системасида янги ўқув йили

Эртага партия маорифи системасида янги ўқув йили бошланади. Кўп юз мингларча коммунистлар ва партиясизлар, оддий меҳнаткашлар ва раҳбарлар марксизм-ленинизм назариясини — улуғ революцион фанни систематик суратда ва қунт блан ўрганишга киришадилар.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, ўқув йилига тайёргарлик кўриш ишларини кечикиб бошлаган, кейинчалик эса район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ходимлари қоғозбозликни кучайтириб юбориб, партия маорифи шохобчаларини бир ҳафта ичида «тузиб» бўлганлар. Улар кабинетдан чиқмасдан туриб, деярлик ҳамма коммунистлар учун ўқиш формасини юқоридан белгиладилар. Кексайган кишилар, инвалидлар ва кўпболали оналар рўйхатга кириб қолган, ҳолбуки машғулотларга қатнаш улар учун қийин, ба'зан эса мумкин ҳам эмас. Орёл областининг Малоархангельск ва Новосиль район партия комитетлари қоғозбозлик блан ўзларини ҳақиқий ҳаётдан четлаштириб қўйиб, ўқув йилига тайёргарлик ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилдилар. Улар бирқанча ташкилотларда тўгараклар, мактаблар ва семинарлар ташкил қилишда формализмга йўл қўйдилар. Бу хил фактлар Белоруссиянинг ба'зи партия ташкилотларида ҳам юз берган. Бу ҳол коммунистларни тўгарақларга суриштирмасдан ёпласига «жалб этиш»дек хато тенденция ва марксизм-ленинизм назариясини мустақил суратда ўрганиш методига, я'ни коммунистлар сиёсий ўқувнинг асосий методига етарлик баҳо бермаслик ҳоллари ба'зи жойларда ҳали ҳам тугатилмаганлигини кўрсатади.

Шу блан бирга шуни ҳам кўрсатиб ўтиш зарурки, ба'зи партия ташкилотлари ихтиёрийлик принципини нотўғри тушинганлар ва партия маорифи ишини ўзиёбўларчиликка ташлаб қўйганлар, КПСС Устави коммунистдан ўз онгини ошириш устида, марксизм-ленинизмни ўзлаштириш устида ишлашни талаб этганлигини эсларидан чиқариб қўйганлар. Партия раҳбарлари шуни билишлари лозимки, ихтиёрийлик принципи коммунистларнинг идеологик тайёрлиги учун, партия маорифи ишини ташкил қилиш учун партия ташкилотларининг жавобгарлигини камайтирмайди, балки оширади. Ихтиёрийлик принципи партия ташкилотлари зиммасига сиёсий мактабларда ва тўгараклларда, район партия мактабларида ва марксизм-ленинизм кечки университетларида машғулотларнинг сифати тўғрисида, лекция пропагандасининг савиясини ошириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди.

Партия ташкилотларининг вазифаси— асосий э'тиборни партия маорифининг ғоявий-сиёсий даражасини тобора оширишга қаратишдан. пропаганда ишларининг ғоявий мазмунини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Коммунистларда сиёсий ўқишга бўлган қизиқишни тинмай ошириш, уларнинг ўсган ғоявий талабларини моҳирлик блан қондириш зарур. Лекин агар партия пропагандасида жонли иш расмиятчиликка айлантириб юборилса ва тайёр қоидаларни ёдлаб олишдан иборат қилиб қўйилса, у вақтда бунга умид боғлаш қийин бўлади. Партия ташкилотларининг, пропагандист кадрларимизнинг бурчи—қироатхонликка, марксизм-ленинизм назариясини ўрганишдаги догматик қарашларга тамомила хотима беришдан, марксизм-ленинизмнинг айрим қоидаларни ҳарқандай ёд блан бузиб кўрсатиш ва вульгарлаштиришларга қарши муросасиз кураш олиб боришдан иборатдир. Партия пропагандаси ҳаёт блан маҳкам боғланган бўлиши, буржуа идеологиясига нисбатан, капитализмнинг кишилар онгидаги қарқитларига нисбатан муросасиз бўлиши лозим, у коммунизм иши учун курашучи, ғоявий жиҳатдан саботли кишиларни, партиянинг вазифаларини тушинадиган ва бу вазифаларни муваффақият блан ҳал қилишга қобилиятли бўлган жўшқин ватанпарварларни тарбиялаши керак.

Янги ўқув йилида иқтисодий билимларни пропаганда қилишга анча кўпроқ вақт ва э'тибор берилади. Коммунистлар, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбар кадрлари, интеллигенциямиз марксистик иқтисодий назарияни, саноат ва қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикасини эгаллашлари лозим. Бу уларга партия сиёсатини муваффақиятлироқ равишда амалга оширишга, ўз вазифаларида яхшироқ ва ишнинг қўзини билиб ишлашларига ёрдам беради. Иқтисодий билимлар пропагандасини кучайтириш учун ҳозирги вақтда барча зарур шароит яратиб берилган. Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, Коммунистик партия қарорлари катта тиражлар блан нашр этилган. СССР Фанлар Академиясининг Экономика институти томонидан тайёрланган сиёсий иқтисод дарслиги босилиб чиқди.

Ма'лумки, лекциялар марксизм-ленинизм назариясини мустақил суратда ўрганучиларга ёрдам беришнинг асосий формасидир. Шу ўқув йилида лекция пропагандасини яхши йўлга қўйиш айниқса муҳимдир, чунки ўқишнинг мустақил формасини танлаб олган коммунистларнинг сони анча ўсди. Партия тарихи, сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм, саноат ва қишлоқ хўжалик экономикаси, халқаро муносабатлар ва СССРнинг ташқи сиёсати юзасидан лекциялар циклини ўқиш коммунистларнинг муваффақиятли равишда мустақил ўқишига кўп жиҳатдан ёрдам беради. Шунингдек консультация ишларини ҳам яхшироқ ташкил қилиш, уни коммунистларнинг ғоявий талабларини ҳисобга олиб, моҳирлик блан олиб бориш керак.

Партия маорифи даражасини янада ошириш даставвал пропагандистларга боғлиқдир. Партия маорифи сифатини ошириш — пропагандист кадрлар блан ишлашни тинмай яхшилаш демакдир. Бирон партия ташкилотининг марксизм-ленинизм та'лимотини ўрганиш ишини йўлга қўйиш тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганлигига пропагандистлар блан олиб борилаётган ишнинг аҳволига қараб баҳо бериш мумкин.

Фактлар ба'зи партия ташкилотларида пропагандистларни танлашга, улар блан ишлашга ҳали ҳам тегишинча э'тибор берилмаетганлигини кўрсатади. Масалан, Кишинёв партия ташкилотида олий ма'лумоти бўлган пропагандистларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан камайган. Благовещенск шаҳар партия комитети яқинда шаҳар партия комитетининг пленумида айтилганича, энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини яхши ўрганмаётир ва ёймаётир, семинарлардаги машғулотларни ташкил қилганда уларнинг талабларини етарлик ҳисобга олмаётир. Шаҳар партия комитетининг секретарлари пропагандистлар блан кам алоқа қилмоқдалар.

Партия ташкилотлари пропагандистлар семинарларини ўтказиш проктикасини яхшилашга интилишлари, бу семинарларнинг пропагандистларга энг кўп ёрдам беришига, машғулотларни коммунистик қурилишнинг амалий вазифалари блан маҳкам боғлаб, жонли ва қизиқарли қилиб ўтказилишига эришишлари лозим. Шундай қилиш керакки, семинарларда назарий масалалар ижодий равишда кенг муҳокама қилинсин, эркин ва ўртоқларча фикр ва тажриба алмошилсин. Пропагандистлар семинари пропагандистларда ўзларининг олиҳаноб ишларига бўлган қизиқишни кучайтириши ва ҳамма чоралар блан ошириши, машғулотларни ижодий равишда ўтказиш учун уларни қуроллантириши, энг муҳим назарий проблемаларни чуқур ўзлаштиришга да'ват қилиши лозим. Агар пропагандистнинг ўзи қизиқмасдан, суслик блан ишласа, ўқилган материални ижодий равишда баён этиб беришдан кўра, механик равишда такрорлашни афзал кўрадиган бўлса, у вақтда мактабда ёки тўгаракда машғулотларнинг актив ва жонли равишда ўтишини кутиш қийин бўлади.

Партиямиз коммунистларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Коммунистларнинг сиёсий саводини ошириш — иқтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришда уларнинг ялқорлик ролини кучайтиришнинг зарур шартидир.

Партия ташкилотлари эртага бошланадиган ўқув йилининг марксизм-ленинизм голибона идеяларини пропаганда қилишда янги муваффақиятлар келтиришига эришиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишлари лозим.

(«ПРАВДА» газетасининг 30 сентябрь сонидаги бошмақоласи).

Н. Островский хотирасига бағишланган адабий кеча

29 сентябрь куни Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида отоқли рус ёзучиси, гражданлар урушининг актив қатнашчиси Николай Алексеевич Островский туғилган кунинг эллик йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди, Кечани Ўзбекистон Совет Ёзучилар Союзи Правлениеси блан Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Тошкент шаҳар Комитети ташкил қилган эди.

Островский хотирасига бағишланган бу кечага ёзучилар, студентлар, ўқитучилар, мактаб ўқучилари ва шаҳар меҳнаткашлари иштирок этди.

Ёзучи Раҳмат Файзий ўз докладида бутун дунёдаги прогрессив ёшларнинг севимли ёзучиси Н. А. Островскийнинг шонли ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида батафсил гапириб берди. Доклад Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», «Бўрон болалари» асарларидан олинган парчаларни бадиий ўқиш блан қўшиб олиб борилди.

Кеча қатнашчилари ёш шоира Елизавета Видонованинг Н. Островскийга бағишланган ше'рини завқ блан тингладилар.

Кечанинг бадиий қисмида Ўзбекистон ССР Давлат филармониясининг солисти В. П. Синельников ижро этган гражданлар уруши давридаги қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Адабиётчилар уйининг фойесида Тошкентдаги Островский номли пионерлар саройи а'золари ишлаган бадиий буюмлардан витрина ташкил қилинган. Булар орасидаги А. С. Пушкин, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Н. А. Островскийларнинг ипак блан тикилган портретлари кишининг диққатини жалб қилади. Отқишин ватанпарвар ёзучининг порлоқ хотирасига бағишланган адабий-бадиий кеча жуда кўнгилли ўтди.

Автобусларда юриш ҳамда енгил ва юк таксомоторларидан фойдаланиш тарифлари камайтирилади

1954 йил 1 октябрьдан бошлаб шаҳарлардаги ва шаҳарлараро йўллардаги автобусларда юриш, шунингдек енгил ва юк таксомоторларидан фойдаланиш тарифлари ўрта ҳисобда 25 процент камайтирилади ҳамда шу хил транспортда юриш ва юк ташиш учун бирхил та'рифлар жорий қилинади.

Автобусларда юриш ҳамда енгил ва юк таксомоторларидан фойдаланиш учун камайтирилган янги тарифлар аҳолининг автомобиль транспортидан фойдаланиши учун янада қулайроқ шароит яратишга ёрдам беради. (ТАСС).

Пахта тайёрлаш сур'атини янада тезлатиб, мамлакатга кўпроқ отбор сорт пахта топширайлик!

☆ ☆ ☆

Пахтани саноат сортларига ажратиб териш бу йил ҳам қониқарсиз уюштирилган

А'ло сифатли пахта топшириш колхоз учун ҳам, давлат учун ҳам ғоят катта фойда келтиради. «Октябрь» колхози (раиси ўртоқ Брухтий) ҳар йили пахта тайёрлаш планини ошириб бажаради ва ҳосилнинг кўп қисмини отбор сортга топширади. Бултур йиллик планнинг кўп қисмини фақат отбор ва биринчи сорт пахта ҳисобига бажарган бу юқори ҳосилли колхоз йил охирида мўлжалланганидан анча ортиқ даромад қилди.

Колхоз а'золари бу йил етиштирилган пахта ҳосилининг камида учдан бир қисмини отбор сортга топшириш учун курашмоқдалар. Колхоз правлениеси шу мақсадда ҳамма теримчиларни кўпхонали этаклар, қоп-қанорлар блан та'минлаган. Бригадаларда пахта териш соатлик график асосида ташкил қилинган. Ҳарбир бригадада терилган пахтани қабул қилиб олишга пахтанинг сортини яхши ажратаоладиган кишилар қўйилган. Улар терилган пахтани ҳар соатда пайкалнинг ўзида тортиб оладилар, сорти аралаштирилган, ифлос терилган пахтани қабул қилмайдилар. Бу ҳол теримчилар мас'улиятини тобора ошириқда ва пахта сортининг аралаштирилмасдан, тоза терилишига ёрдам бормоқда. Шу сабабли колхознинг кўп пахтаси юқори сортларга топширилаётир. Бу колхозда мавсум бошидан тайёрланган пахтанинг қарийб ярми отбор сортга қабул қилинган. Пахтани саноат сортларига ажратиб териш Маленков номли колхозда ҳам анча яхши уюштирилган.

Лекин, шуни айтиш керакки, Мирзачўл район колхозларида ўтган йили пахта териш, қоп-қанорларга жойлаш ва қабул пунктларига етказиб беришда сорти бузилиб отбор сорт белгиланганидан анча кам тайёрланган. Колхозларга иқтисодий жиҳатдан бирмунча зарар келтирилган эди. Бу, райондаги кўпчилик колхозларнинг раҳбарлари учун сабоқ бўлиши керак эди. Броқ айрим колхозларда пахтани саноат сортларига ажратиб териш ва давлатга топширишга бу йил ҳам етарли аҳамият берилмаётир. Хрушчев номли, Шверник номли, Охунбобоев номли колхозлар ҳалигача бир процент ҳам отбор сорт пахта топширганлари йўқ.

Пахта йиғим-теримида районда олдингилар қаторида бораётган «Қизил юлдуз» колхозида ҳам пахтани саноат сортларига ажратиб териш яхши ташкил қилинмаган. Бу колхозда ҳаммаси бўлиб 1790 килограмм отбор сорт пахта терилган.

Мирзачўл шаҳар пахта тозалаш заводи ҳузуридаги қабул пункти томонидан сўнгги 3—4 кун ичида сорти аралаштириб юборилгани ва хом терилганлиги учун бирнеча ўн тонна пахта қайтариб юборилган. Бу пахтанинг кўп қисми Сталин номли, Куйбишев номли, «Ленинизм» колхозларидан келган эди.

Пахтани саноат сортларига ажратиб теришга аҳамият бермаслик натижасида юз бераётган бундай фактларни районнинг бошқа колхозларида ҳам учратиш мумкин. Бунга сабаб шуки, район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари сон орқасидан қувиб, давлатга а'ло сифатли пахтани кўпроқ топширишдек муҳим ишга яхши аҳамият бермаётирлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисидаги қарорида отбор сорт пахта тераётган колхозчиларга белгиланган ҳақдан ташқари 20 процент миқдорида қўшимча меҳнат кунлари ёзилиши кераклиги кўрсатилган. Лекин район колхозларида теримчиларни меҳнатга рағбатлантиришнинг ана шу муҳим шарти ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда. Бу қарор колхозчилар ўртасида кенг пропаганда қилинмаётир. Шу қарорда кўрсатилганидек отбор ва биринчи сорт пахта терганликлари учун теримчиларга қўшимча меҳнат кунлари ёзилмаётир.

Мирзачўл район колхозлари бу йилги пахта ҳосилининг учдан бир қисмини отбор ва биринчи сортларга топшириш мажбуриятини олганлар. Агар терим тўғри уюштирилса, бунга сўзсиз эришиш мумкин. Бунинг учун ҳарбир колхозда, бригада ва звенода пахтанинг ифлосланишига ва намланиб қолишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим. Пахтани саноат сортларига ажратиб теришни яхши ташкил қилиш учун теримни соатлик график асосида уюштириш, бригадалар қўл тарозилари блан, теримчилар этак, қоп-қанорлар блан етарли миқдорда та'минланган бўлиши шарт.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш блан бир қаторда, мамлакатнинг тўқимачилик саноатини а'ло сифатли пахта блан та'минлаш ҳарбир колхозчининг жонажон ишидир. Мирзачўл район партия, совет ташкилотлари бу соҳада юз бераётган камчиликларни тезда тугатиш чораларини кўришлари ва пахтанинг саноат сортларига ажратиб терилишига эришишлари лозим.

Қ. АҲМЕДОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ 7 НОЯБРЬГАЧА БАЖАРИШ УЧУН

Тошкент область Ўртасарой районидаги Сталин номли, Жданов номли колхоз а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини пахта тайёрлаш йиллик планини 100 процент бажариш блан кутиб олиш учун эўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Бу колхозларда асосий куч пахта теримига сафарбар қилинган.

Теримчиларнинг иш унумини ошириш учун колхоз правлениелари қулай шароит яратиб бердилар. Барча дала шийпонлари яхшилаб жиҳозланган, ҳар турли плакат ва шиорлар блан безатилган. Жданов номли колхозда дала шийпонларининг ҳаммасига «Родина» радиоприёмниги ўрнатилган. Колхозчилар овқатланиш вақтида роҳатланиб дам оладилар. Кўпгина илғор теримчиларнинг дала шийпонларида тунаб қолишлари учун барча шароит яратилган. Бунинг натижасида меҳнат унуми ошмоқда. Масалан, Қ. Зикриёева, Т. Бакиров, Х. Турдибоева ва шуларга ўхшаш ўнлаб илғор теримчилар кунлик нормаларини 2 ва 3 баравварга етказиб бажармоқдалар.

Илғорларнинг кунлик иш натижалари қизил тахталарга ёзилиб, шу блан бирга агитаторлар орқали оммалаштирилмоқда. Натижада Сталин номли колхозда, илгари кунига 70—80 килограммдан пахта терган М. Эшонова, Е. Мухиддинова, Х. Фарохова ва бошқа кўпгина теримчилар ҳозир бир кунда 130—140 килограммдан пахта термоқдалар.

Еш болалик хотинларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма бригадаларда мавсумий болалар яслиси ташкил қилинган.

Пахта теримида ишлаётган колхозчиларга вақтида пул ва ғалла авансларн бериб турилипти.

И. ИБОДОВ.

МУСОБАҚАДОШЛАР ОЛДИНДА

4-нчи бригада а'золари 5-нчи бригада а'золарини пахта тайёрлаш планини Улуғ байрам — 7 ноябрьгача бажариш учун социалистик мусобақага чақирдилар

5-нчи бригада бошлиғи Абдуғозиака Бўрибеков бригада а'золари номидан мусобақа шартларини қабул қилар экан:

— Пахтани қисқа муддат ичида йиғиб-териб олиб, мажбуриятимизни ошириб бажариш учун бутун кучимизни ишга соламиз, — деди.

4-нчи бригада бошлиғи Юсуфалиақа Аҳмедов ҳам бригада а'золарига:

— Социалистик мусобақага уларни чақириб ўзимиз орқада қолиб уялиб қолмайлик, қани, энди азаматлар, бир жон, бир тан бўлиб пахта йиғим-теримига тушайлик? — деб қўйди.

4-нчи бригаданинг илғор теримчиларидан Сония Жўрабоева, Саодат Жўраева, Зуҳра Нишонова ва Малика Ғиёсовалар ҳар куни 180-250 килограммдан пахта териб бошқаларга намуна бўлмоқдалар. 5-нчи бригаданинг илғор теримчиларидан Бувиш Аринова ва Анор Норқуловалар ҳам улардан қолишмай шу вақтгача 3 — 3,5 тонна пахта териб бердилар.

Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг мусобақадош иккала бригадаси ҳар куни 2,5 — 3 процент пахта топшириб, колхозда олдинда бормоқдалар

В. ХОЛМАТОВ.

ПАХТА ТЕРУЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ПРОГРЕССИВ МЕТОДИ

СИРДАР'Ё (ЎзТАГ) Сирдар'ё районининг илғор қишлоқ хўжалик артельларида теримчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг прогрессив системасига қаттиқ риоя қилинмоқда.

Бу система қандай натижа беришини «Ҳақиқат» колхози мисолида кўриш мумкин. Бу колхозда колхозчиларнинг меҳнати аниқ ҳисобга олинади, иш кунининг охирида ҳамма пахтакорларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзиб қўйилади. Масалан, коммунист Маматқул Йўлдошев бир кунда 333 килограмм пахта териб, топширқни тўрт баравардан ҳам ошириб бажарган. Унга 7,2 меҳнат куни ёзилган. Ҳақ тўлашнинг прогрессив системасига мувофиқ Йўлдошевга яна 3,65 меҳнат куни ёзилган. Бундан ташқари отбор сортли пахта тергани учун меҳнат кунларининг 20 процент миқдорида қўшимча ҳақ ёзилган. Шундай қилиб теримчи бир кунда 12,85 меҳнат куни ишлаган. Сентябрьда Маматқул Йўлдошев 5,6 тонна пахта терди ва аванс тарақасида 1530 сўм пул ҳамда уч центнердан кўпроқ галла олди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив системасини қўлланиш натижасида колхознинг ҳамма теримчилари нормани анча ошириб бажарадиган бўлдилар.

Ҳозирги вақтда бу усул райондаги ҳамма колхозларда амалга оширилмоқда.

Паркент райони пахта тайёрлашда нима учун орқада?

Паркент район меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилиб мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва Паркент райони ғаллакор район, ғўзасида иккитадан ортиқ кўсак бўлмайди, деган соҳта фикрнинг нўёрин эканлигини исбот қилдилар. Ҳозир Молотов номли, Сталин номли, «Коммуна» колхозларининг пахта далаларида ғўзаларнинг ҳар тупида ўнлаб бўлиқ кўсаклар бор.

Броқ етиштирилган мўл ҳосилни териб олишда Паркент райони ва унинг колхозлари областьдаги бошқа район, колхозлардан анча орқада. Пахта йиғим-теримн ва тайёрлаш графиги эса системали суратда бажарилмаётир. Пахталар ҳамма колхозларда қийғос очилган-у, нега аҳвол шундай?

Шуни айтиш керакки, Паркент райони колхозларида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган. Пахта териш учун ажратилган куч тўла сафарбар қилинмаган. Масалан, Калинин номли колхоз а'золари 10 кунда йиллик планнинг атиги 1 проценти миқдорида пахта терган бўлсалар, Каганович номли мактаб ўқучилари бир кунда йиллик планнинг 2,7 проценти миқдорида пахта териб бердилар. Колхозда 100 лаб кишилар пахта теримига тортилмаган.

Мана шундай ҳолни «Коммуна», Ленин номли колхозларда ҳам кўриш мумкин.

Пахта терими ишига бошланғич партия ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатмаётирлар. Кўпгина дала шийпонларида ишлар тўхтаб қолган. Теримчилар орасида кундалик газета ва журналлар ўқиб берилмайди. Район маданият бўлими ҳам теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни йўлга қўймаган. Агитмашина ҳам далага ҳар замонда, фақат кино кўрсатиш учунгина чиқадиган бўлиб қолди. Етти ерда қироатхона бор. Аммо улардаги ходимларнинг битта-иккитаси пахта даласига чиқса-чиқадию, қолганлари қишлоқ марказидан нарига бормайди. «Коммуна», Ленин номли, Охунбобоев номли колхоз клублари эса қулфлоғлик туради.

Социалистик мусобақа кенгайтирилмаган, илғорлар тажрибаси пропаганда қилинмаётир. Илғорлар доскаси ташкил этиш ҳақида бир ой илгари район партия комитетининг қарори чиққан бўлса ҳам, бу қарор шу кунгача бажарилмаётир.

Колхозлардаги кўпгина ёшлар пахта теримига тортилмасдан ўзларининг шахсий ишлари блан шуғулланиб юрпитилар. Айниқса «Коммуна», Сталин номли колхозда ёшлар пахта теримига кам қатнашмоқдалар. Бу нарса район комсомол комитети секретарьлари Мирзакаримов, Хисомитдиноваларга ма'лум. Лекин улар бунга индамай келаётирлар. Ҳатто бирорта колхозда ҳам ёшлар ўртасида областьнинг ёш теримчилари чақириги ишланиб чиқилмаган ва кўпмингчилар ҳаракати уюштирилмаган.

Пахта йиғим-теримидаги қолоқликни тугатиш учун аввало бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш, МТС зоналари бўйича райком инструкторларининг колхоз бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлигини қат'иян яхшилаш керак. Район партия комитети қийин аҳвол юз берганда партия ташкилотларига суяниб ишни тузатиш ўрнига, колхозларга 2—3 тадан вакил юбориш блан кифояланади. Кетма-кет қишлоққа чиққан вакиллар кўпинча узундан-узоқ мажлислар ўтказиб қайтадилар. Яқинда «Коммуна» колхозида вакиллар иштирокида ярим кечагача мажлис ўтказилиб пахта теримини тезлатиш тадбирлари кўрилди. Броқ эртаси куни пахта терими аввалгидан ҳам баттар пасайиб кетди. Мана шундай «раҳбарлик» натижасида район ҳар куни 1 процент ҳам пахта топширолмай, областьдаги ҳамма районлардан орқада қолмоқда.

Район партия комитети пахта далаларида партиявий-сиёсий ишларни яхшилаши, пахта теримини уюштиришга раҳбарликни кучайтириши керак.

Ю. БАХОДИРОВ.

Канап ҳосилини йиғиб олишда механизациядан яхши фойдаланилмаётир

ЯНГИБОЗОР, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Юқоричирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз а'золари канап ва жутдан мўл ҳосил етиштиришда йил сайин ажойиб ғалабаларга эришмоқдалар. Ўтган йили канап ва жут тайёрлаш плани 241 процент қилиб бажарилди. Колхоз а'золари бу йил ҳам кенг майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Йиғим-терим ишига зўр уюшқоқлик блан киришилди. Бу колхозда канопнинг яшил пўстлоғини шилиб оладиган «НП — 9» маркали 15 та машинадан жуда унумли фойдаланилмоқда. Шунинг натижасида ҳарбир машина блан нормадаги 4 тонна ўрнига 10 тоннадан яшил пўстлоқ шилиб олинмоқда.

Колхознинг ҳар гектар ердан 107 центнердан канап ҳосили етиштириш мажбуриятини олган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Пак Дмитрий, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Ке Сун, Ли Чин Генг ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари йиғим-теримда олдинда бормоқдалар. Колхозчиларнинг канап ва жутдан юқори ҳосил етиштириш учун қилаётган фидокорона меҳнатларининг ажойиб самаралари ҳозирданоқ кўринабошлади. Свердлов номли колхоз 20 сентябрьда йиллик канап ва жут тайёрлаш планини бажарди.

Аммо районда илғор иш тажрибалари, механизациядан фойдаланиш методлари кенг пропаганда қилинмаётир. Шунинг натижасида райондаги кўп колхозлар ҳали канап ва жут тайёрлаш планини бажаришда анча орқада қолмоқда. «Ленинский путь» колхозида канап ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари мутлақо қониқарсиз давом этмоқда. Бу колхозда меҳнат тўғри ташкил этилмагачидан, йиғим-терим даврида мавжуд машиналардан унумли фойдаланилмади. Колхозда 4 та «НП—9» машинаси бор эди. Колхоз раҳбарлари канап пўстлоғи қотмасдан бу машиналардан фойдаланишни ўйлаб кўрмадилар. Шунингдек, бу колхозда 2 та «ЖК—2—1» машинасидан биттаси ишлатилмоқда, холос. МТС раҳбарлари ҳанузгача иккинчи машинани колхозга юбормаганлар.

«Ленинский путь» колхозида йиғим-терим ишларини тезлаштириш учун асосий ишчи кучлари тўла сафарбар этилмаган. Графикда белгиланган 224 киши ўрнига 170 колхозчи йиғим-теримга жалб этилган. Қолган кишилар иккинчи даражали ишлар блан банд. Натижада бу колхозда канап ва жут ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш ишлари жуда кечикиб кетаётир.

Иккинчи МТС раҳбарлари механизациядан унумли фойдаланиб, канап ва жут ҳосилини жадал йиғиб олаётган илғор колхозларнинг тажрибаларини кенг қўллашга юзаки қарамоқдалар.

Ўртоқ Аббос Қосимов директор бўлган 1-нчи МТС да ҳам канап ўриш машинасидан жуда ёмон фойдаланилмоқда. МТСдаги 12 машинадан ҳозир фақат 6 таси ишга чиқарилган. Юқоричирчиқ районида юз бераётган бундай хотиржамлик кайфиятига тезда барҳам бериш, етиштирилган мўл канап ва жут ҳосилини тезроқ йиғиб олиш учун барча куч ҳамда техникани тўла сафарбар этиш керак.

Б. ХАЛИЛОВ.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). 28 сентябрьда БМТ Бош Ассамблеясининг эраталабки мажлисидаги умумий дискуссияда Уругвай ва Таиланд вакиллари сўзладилар.

Уругвай вакили Гамарра ўз нутқида БМТ нинг юридик, социал ва иқтисодий органлари олиб бораётган ишларни кучайтириш зарурлигига анча узоқ тўхталди ва шу муносабат блан атом қуввати бўйича халқаро агентлик тузиш ҳақидаги планни қувватлаганини айтди. Гватемала Гватемала ҳукуматининг мамлакатдаги ҳарбий интервенция муносабати блан қилган шикоятини Хавфсизлик Кенгаши муҳокама қилмаганлигини қоралади. (Ма'лумки, Гватемала ҳукуматининг агрессорлар устидан қилган шикояти Хавфсизлик Кенгашида Қўшма Штатлар бошлиқ бир группа мамлакатлар томонидан рад этилган эди; Совет Иттифоқи вакили Гватемала ҳукумати шикоятининг хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинишини талаб этган эди).

Уругвай вакили, халқларнинг миллий мустақиллик учун курашлари блан боғлиқ бўлган масалаларни БМТ муҳокамасига қўйган делегацияларни менинг делегациям қўллаб-қувватлаяжак, деди.

Таиланд вакили Ван Вайтхаяконнинг ўз нутқида айтишича, Осиёда тинчликка ғўё «коммунистик агрессия» таҳдид қилаётганлиги ҳақида гапирди. У Ҳинди-Хитойда тузилган яраш битими фақат «вақтинча» бир ҳолдир деб ҳам да'во қилди. Таиланд вакили ўз нутқининг анча қисмида АҚШ ташаббуси блан уюштирилаётган агрессив блокларни ва пактларни мақтади.

БМТ Бош Ассамблеясининг кундузги мажлисида Янги Зеландия ва Покистон вакиллари сўзладилар.

Янги Зеландия вакили Мунро Манила шартномасини «нуқул мудофаа тадбири» деб тасвирлашга уринди. У, бу хил битимлар ғўё «БМТ Уставига мувофиқ» деб ва рағбатлантирилиши лозим деб да'во қилди Мунро мустамлакачи мамлакатларга қарши қаратилган масалаларнинг кун тартибига киритилганлигини «шубҳали ва ҳавфли иш» деб атади, бу масалаларга бошқа давлатларнинг ички ишларига «аралашиш» деб баҳо берди. Янги Зеландия вакили атом қуввати бўйича Халқаро агентлик тузиш ҳақидаги америка таклифини ёқлаб гапирди. Мунро ўз сўзининг охирида СССР ва Хитой Халқ Республикасининг капиталистик мамлакатлар блан тотув яшашга интилишларини астойдил интилиш эмас, деб кўрсатишга уринди.

Покистон вакили ташқи ишлар министри Зафруллахон ўз нутқида мустамлака мамлакатлар халқларининг мустақилликка интилиши кучайиб бораётганлигига Ассамблеянинг э'тиборини жалб қилди. Шу блан бирга у, бу халқларга «озодлик беришдан ҳали ҳам бош тортилаётганлиги» тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солади, деди. Покистон вакили қуролсизланиш каби ва атом қуроли ишлабчиқариш устидан контроль ўрнатиш каби муҳим халқаро масалаларда буюк давлатлар ўртасида якдиллик йўқлигини та'кидлаб ўтди. Зафруллахон Покистоннинг бекик ҳарбий группировкаларда қатнашаётганлигини жуда туманли жумлалар блан оқлашга уринди. Покистоннинг бу хил ҳарбий группировкаларда иштирок қилиши унинг қўшнилари учун хавф туғдирмайди, деди.

Покистон вакили кам ривож топган мамлакатларга иқтисодий ёрдамни кучайтиришга чақирди, бу — мазкур мамлакатларнинг «мудофааси»ни та'минлаш ва улардаги «тартибсизликлар» нинг олдини олиш учун зарур деб да'во қилди. Зафруллахон атом қуввати юзасидан Халқаро агентлик тузиш ҳақидаги америка таклифини қувватлади.

Лейбористлар партиясининг Скарбородаги конференциясида

СКАРБОРО, 28 сентябрь (ТАСС махсус мухбири). 28 сентябрьдаги эрталабки мажлиснинг бошида лейбористлар партиясининг ижроия комитетига бўлган сайлобнинг натижалари ўқиб эшиттирилди. Ижроия комитетга жам'и 25 а'зо сайланди.

Сайланадиган 25 а'зодан ташқари Ижроия комитетга вазифаси бўйича партиянинг раҳбари Эттли, унинг ўринбосари Моррисон ва хазиначи ҳам а'зо бўлиб киради.

Хазиначи вазифасига икки кандидат —Бивен ва Гэйтскелл кандидатлари кўрсатилган эди. Кўпчилик овоз блан хазиначи вазифасига Гэйтскелл сайланди.

Сайлов натижалари ўқиб эшиттирилгандан кейин Германия масаласи юзасидан музокаралар бошланди. Партиянинг раҳбари Эттли музокараларни очиб, Ижроия комитет номидан Германия масаласи бўйича фавқулодда резолюция тақдим этди. Бу резолюция Ғарбий Германияннинг қуроллантирилишини қувватлайди ва Совет Иттифоқи блан янги музокаралар бошланишига рози бўлиш учун ғарбий давлатларни Германияда сайлов ўтказиш масаласидаги талабини қабул қилишни шарт этиб қўяди.

Эттли Германия масаласида Ижроия комитетнинг позициясини асослаб, делегатларни ғўё Ғарбий Германияга Совет Иттифоқининг ҳужум қилиш «хавфи» бор деб ва ғарбий герман қўшинлари бу «хавф»нинг олдини олишлари керак деб ишонтиришга уринди. Эттли, Ғарбий Германияннинг қуроллантирилиши Германияни бирлаштиришга ҳалақит бермайди, деб исботлашга уринди.

Қуючилар бирлашган касаба союзининг раиси Р. Казасола Ғарбий Германияннинг қуроллантирилишига қарши қаратилган резолюцияни киритди. Казасола конференцияни огоҳлантириб, Ғарбий Германияннинг қуроллантирилиши— учинчи жаҳон урушига олиб борадиган йўлдир, деди.

Казасоланинг нутқи бирнеча марта қарсаклар блан бўлинди.

Парламент а'зоси Б. Паркин қуючилар бирлашган касаба союзи тақдим этган резолюцияни қувватлаб чиқди.

Сўнгра тақсимот шохобчаси ходимлари касаба союзининг бош секретари Алан Бэрч сўз олди. У, Германия сул'ий равишда парчаланган ҳолда қолар экан, Европага доир масалаларни ҳал этиш ва Европада тинчлик ўрнатиш мумкин эмас деди. У гулдурос қарсаклар остида «Руслар блан ҳамкорлик қилгандагина Германияни тинч йўл блан бирлаштириш мумкин» деди.

Темирйўлчилар Миллий касаба союзининг бош секретари Жейлес Кэмпбелл, парламент а'зоси Эмрис Хьюз ва лейбористлар партияси маҳаллий ташкилотларининг кўпгина оддий а'золари ҳам Ғарбий Германияннинг қуроллантирилишига қарши чиқдилар.

Эрталабки мажлиснинг охирига бориблиқ тўлган залда вазият жуда кескинлашиб кетди. Навбатдаги нотиқ сўзлаб бўлиши бланоқ ўнларча делегатлар ўринларидан туриб, раислик қилучининг э'тиборини жалб қилиш ва сўз олиш учун мандатларини кўрсатиб, қўлларини кўтардилар. Броқ, раислик қилучи нотиқларни диққат блан танлаб сўз берди. Ўтакетган реакцион қарашлари блан танилган кончилар касаба союзи раиси Эрнест Жонса сўз берилди. У, коммунистларга қарши қабиҳ ва тухмат ҳуружлар блан тўлган нутқ сўзлади. Сўнгра парламент а'зоси Доннели сўзга чиқди. У конференция арафасидагина ўзининг илгариги нуқтаи назарини ўзгартириб, Ғарбий Германияннинг қуроллантирилишини ёқлаб сўзлади. Доннелининг нутқи кучли норозилик остида эшитилмайдиган бўлиб қолди.

Ижроия комитет қизиб кетган музокараларни шошиб-пишиб бостиришга киришди ва делегатларнинг норозилигига қарамай музокараларни тўхтатишни таклиф этди. Раислик қилучи ўнларча делегатларнинг масала ғоят муҳим бўлганлиги сабабли уни муҳокама қилишни давом эттириш тўғрисидаги талабини ҳатто овозга ҳам қўймади. У, Ғарбий Германияннинг қуроллантирилишига қарши норозилик резолюциясини тақдим этган қуючилар касаба союзининг вакилига якунловчи нутқини сўзлаш имкониятини ҳам бермади, балки Моррисонга сўз берди.

Моррисон ярим соатдан кўпроқ давом этган нутқида делегатларни Ғарбий Германияни қуроллантириш ҳақидаги резолюцияни қабул қилишга кўндирмоқчи бўлиб уринди. У, Совет Иттифоқининг Германия масаласида тутган позициясини қўпол равишда бузиб тасвирлаб, Совет Иттифоқи Германияда эркин сайловлар ўтказилишига қарши чиқаётир деб да'во қилди.

Моррисоннинг Совет Иттифоқига қарши ҳуружлар блан тўлиб тошган нутқи делегатларнинг истех'золи кулгиси ва «Сафсата!» деб қичқирган сўзлари блан қайта-қайта бўлинди.

Ижроия комитетнинг фавқулодда резолюцияси овозга қўйилиши натижасида уни ёқлаб 3 минг 270 овоз, қарши — 3 минг 22 овоз берилди. Ижроия комитет енг ичидан ҳархил найрангларни ишлатиш ва делегацияларга таз'йиқ қилиш йўли блангина механик кўпчилик овоз тўплайолди

Скарборода Германия масаласининг овозга қўйилиш натижалари шу нарсани яна бир марта ёққол кўрсатадики, Ғарбий Германияни ремилитаризация қилиш ҳақида американларнинг зўри блан юргизилаётган сиёсатни ҳам ва герман милитаризмини тиклашдан иборат янги планларни ҳам инглиз халқининг кенг табақалари қўллаб-қувватламайди.

СКАРБОРО 28 сентябрь (**ТАСС махсус мухбири**). Кундузги мажлисда конференция ички сиёсат масалаларини муҳокама қилишга киришди. Биринчи бўлиб квартира ҳақи тўғрисида яқинда қабул қилинган қонуннинг ижарага квартира олучиларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ва уй эгаларининг квартира ҳақини анча оширишларига имкон берадиган қисмини қораловчи резолюция тақдим этилди ва қабул қилинди.

Неру Ҳиндистон парламентида нутқ сўзлади

ДЕҲЛИ 29 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси билдиради: Ҳиндистон бош министри Неру 27 сентябрьда Халқ палатасида Ҳиндистоннинг Ҳинди-Хитой мамлакатларида кузатучи ва контроль қилиб туручи халқаро комиссияларда иштирок қилиши блан боғлиқ қўшимча харажатлари ҳақидаги ва Ҳиндистоннинг комиссия умумий фондига қўшган ҳиссаси ҳақидаги масала юзасидан нутқ сўзлаб, бундай деди:

«Тинчлик ишига хизмат қилиш ҳақидаги ёки, бошқача қилиб айтганда, урушнинг олдини олишга ёрдам бераоладиган ишга хизмат қилиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилган пайтда ушбу палата ёки бизнинг мамлакатимиз қилиниши лозим бўлган ҳаракатларга нисбатан иккиланиб турмайди... Бизнинг сиёсатимизнинг асосий принципларидан бири — тинчлик йўлида ишлашдан иборат, ва биз Ҳинди-Хитой проблемаси муносабати блан тинчлик ишига хизмат қилаолганлигимиз муносабати блан жуда мамнун эканлигимизни изҳор қиламиз. Мен, биз қандайдир бир му'жизали ишни қилдик деган тасассуротни қолдиришни асло истамаймаз. Мен, Ҳинди-Хитойда тинчликка биз эришдик, деб айтишни истамайман. Бу кулгили бир муболаға бўлур эди. Мен айтмоқчи бўлган нарса шуки, биз ана шу мақсад йўлида иш кўрдик; бошқа халқлар, бошқа мамлакатлар ана шу йўлда хизмат қилдилар ва мен ўйлайманки, биз ана шу мақсадга эришишга бирмунча бўлса ҳам ёрдам бердик. Агар бошқалар ҳаракат қилмасалар ва шунга интилмасалар, тинчлик бўлмаган бўлар эди». Неру Ҳинди-Хитойда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида ҳали қийинчиликларни енгишга тўғри келажагини айтиб бундай деди: «ҳарҳолда биз вазифани донолик, чидамлик ва сабот блан бажарамиз».

Палата 5 миллион рупия миқдоридаги бу харажатларни ма'қуллади.

9 давлатнинг Лондондаги конференциясида

ЛОНДОН, 28 сентябрь (ТАСС). Рейтер агентлиги билдиради: Бугун Лондонда Даллес, Иден, Мендес-Франс ва Аденауэр ўртасида Ғарбий Германияннинг «суверенитети» ҳақидаги масала юзасидан музокаралар бўлди.

Илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Совет-Болгария Комиссиясининг сессияси тўғрисида ахборот

Шу йил сентябрь ойининг биринчи ярмида Москвада СССР блан Болгария Халқ Республикаси ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Совет-Болгария Комиссиясининг бешинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Сессияда иккала мамлакат ўртасида халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги илмий-техника тажрибасини олмоштириш масалалари муҳокама қилинди.

Имзоланган Протоколга мувофиқ, Совет Иттифоқи 1954 — 1955 йилларда Болгария Халқ Республикасига озиқ-овқат саноати корхоналарининг типовой проектларини, Болгария халқ хўжалиги учун зарур қишлоқ хўжалик машиналарини ва асбобларини, электротехника ва бошқа хил ускуналар ишлаб чиқариш соҳасидаги техника ҳужжатларини, қора металлар прокатининг, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотининг ва медицина препаратларининг ба'зи турларини ишлабчиқариш соҳасидаги технология процессларини топширади. Совет Иттифоқи СССР да қишлоқ хўжалиги соҳасида ва саноатнинг айрим тармоқларида эришилган муваффақиятлар блан таништириш учун Болгария мутахассисларидан катта бир группасини қабул қилади ҳамда Болгарияда ўсимликларнинг зараркунандаларга қарши кураш олиб бориш, чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш, кўмир шахталарини проектлаш масалалари ва бошқа масалалар юзасидан консультация бериш учун Болгарияга мутахассислар юборади.

Болгария Халқ Республикаси, ўз томонидан, 1954 — 1955 йилларда Совет Иттифоқининг мутахассисларини Болгариянинг боғдорчилик, узумчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш, арахис ва кунжут экиш агротехникаси, мева ва сабзавотдан маҳсулот тайёрлаш соҳасидаги ишлабчиқариш тажрибаси ва илмий-техника муваффақиятлари блан таништиради.

Бундан ташқари, Протоколда ба'зи қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини ўзаро олмоштириш кўзда тутилади.

Мао Цзэ-дун Корея Халқ-Демократик Республикасининг ҳукумат делегациясини қабул қилди

ПЕКИН, 29 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун кеча Корея Халқ-Демократик Республикасининг маршали Ким Ир Сен бошлиқ ҳукумат делегациясини қабул қилган. Делегация Хитой Халқ Республикасининг беш йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун чақирилган.

Четэл медицина арбоблари делегацияларининг Ўзбекистонда бўлишига доир

СССР Медицина фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги сессиясининг ишида қатнашган четэл медицина арбоблари делегациялари Тошкентдаги ва шаҳар атрофи колхозларидаги аҳолига даволаш — профилактика ёрдамининг қўйилиши блан, бирқанча илмий-текшириш муассасаларининг фаолияти ва медицина кадрлари тайёрлаш ишининг ташкил қилиниши блан муфассал таништирдилар.

Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ республикаси, Ҳиндистон, Индонезия, Бирма Союзи, Польша врачлари ва олимлари шаҳар ва колхоз поликлиникаларида, касалхоналарида, туғруқхоналарида, болалар муассасаларида, Тошкент медицина институтида, вакцина ва сивороткалар институтида бўлдилар. Меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатини бориб кўрдилар, тўқимачиларнинг турмуш шароити блан таништирдилар, «Полярная звезда», «Қизил Ўзбекистон», Каганович номли колхозларга бориб келдилар. Делегацияларнинг а'золари Тошкент театрларидаги спектакльларни ва концертларни бирнеча марта тамоша қилдилар.

Четэл медик-олимларининг катта группаси 30 сентябрьда Самарқандга жўнаб кетди. Польша делегациясининг вакиллари, Ҳиндистон олимлари ва Бирма делегациясининг раҳбари профессор Мин Сейн бундан бирнеча кун илгари Тошкентдан Москвага самолётда жўнаб кетган эдилар. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/Х да **Отелло**, 2/Х да **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НАМЛИ ТЕАТРДА — 1/Х да **Н. А. Островский** туғилган кунинг 50 йиллигига бағишланган спектакль — **Ешлик** (3 парда, 7 кўринишли балет).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — театр коллективининг отпускага чиқиши олдидан сўнгги спектакльлар — 1/Х да **Сочи оқарган қиз**, 2/Х да **Тоҳир ва Зуҳра**, 3/Х да кундуз **Сочи оқарган қиз**, кечқурун **Фарҳад ва Ширин**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 1/Х да кеч соат 8 яримда **Хитой Халқ Республикаси э'лон қилинган кунинг 5 й